

ШОИРА ЮЛДАШЕВА, МИРОДИЛ БАРАТОВ

**НИКОҲ
ШАРТНОМАСИ
НИМА?**

ТОШКЕНТ - 2006

АННОТАЦИЯ

Мазкур қўлланма мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимида янги институт ҳисобланган – “никоҳ шартномаси”га бағишланган бўлиб, унда никоҳ шартномаси тушунчаси ва мазуни, никоҳ шартномасини тузиш тартиби ва шартлари, никоҳ шартномаси амалиёти ва ҳолати таҳлил қилинади, шунингдек никоҳ шартномасининг мулкӣ ҳуқуқӣ оқибатлари, никоҳ шартномасининг шахсий ҳуқуқӣ оқибатлари каби масалалар ёритилади.

Қўлланма кенг омма ўқувчилари учун мўлжалланган.

К И Р И Ш

Оила – халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Мамлакатимиздаги ижтимоий демографик аҳволнинг муҳим хусусияти – жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт, ислохотлар сиёсатининг стратегик мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", – деб нормаланади Конституциянинг 63-моддасида. Ҳақиқатан ҳам жамиятни оиласиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятни қуриш бизнинг асосий мақсадимиз экан, шундай жамиятни, давлатни қуришда, равнақ топтиришда оиланинг ўрни беқиёсдир. Бундай жамиятни қуришда, уни ривожлантиришда келажак авлоднинг хизматлари бениҳоя каттадир. Келажак авлод жамиятни, давлатни шакллантиришда қатнашиши билан бирга, шу жамиятда яшайди, ундан баҳра олади. Авлоднинг ҳар томонлама – маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан баркамол эканлиги давлатимизнинг гуллаб-яшнаши учун асосий омилдир. Келажак келажак авлодлар қўлидадир. Бундай авлодни тарбиялаш учун биз қура бошлаган жамиятнинг табиатига монанд келадиган, унинг хусусиятларини ўзида мукамал акс эттирадиган оилани барпо этиш зарур.

Шунинг учун ҳам оилани сақлаш, уни мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада кўп ишлар қилиниб келинмоқда.

Оила масаласини кўриб чиқишда унинг маънавий билан бевосита боғлиқлигини кўрамиз.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг "Истиқлол ва маънавийт" асарида маънавийт маъносини қуйидагиларда кўрсатади: ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик.

Жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур.

Маънавий қадриятларнинг қудратли манбаидан бири, анъанавий оила ва қариндошлик муносабати одобидир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган.

Афсуски, бу қадриятларга совет даврида жиддий путур етди. Совет тузуми оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий "ўрни" йўқотилишига сабабчи бўлади. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила - уруғ муносабатларини

абдийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маънавий ва касб жиҳатдан эркин бўлиш имкониятини англатиши лозим¹.

Давлат улкан бир оила бўлса, унинг ривожланишида, обрў-эътиборга эга бўлишида ҳар бир оиланинг ўрни жуда катта. Ана шу сабабдан оила давлат ҳимоясидадир. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддаси 3-қисмида "Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир"² деб белгиланади.

Жамиятимиз оилалардан иборат экан, унинг турмуш тарзини, фаровонлигини, тинч-тотув яшашини таъминлаш лозим. Чунки оила тинч бўлса, жамият ҳам тинч бўлади.

Ана шу маънода оилавий муносабатларнинг асоси ҳисобланган никоҳ масаласи оила ҳуқуқида жуда катта аҳамиятга эгадир. Сўнгги пайтларда нафақат оддий никоҳ, балки нотариал гувоҳлантирилган тартибдаги никоҳ шартномаси ҳуқуқий институти ҳам ҳуқуқимизга, истеъмолдаги тилимизга кириб келди.

Қонуний асосларда никоҳ муносабатларига киришар эканмиз, биринчи навбатда шўх-шодон куй-қўшиқлар қулоқларимиз остида мудом жаранглайди, яъни эр-хотинлик муносабатига киришганимизда ҳам никоҳдан ажралишни, эрингиз ёки хотиннингиз билан биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлишни ҳаёлга ҳам келтирмаймиз. Аслида, аниқ ҳақиқат эса бошқа. Бугун биргаликда ҳаётнинг бир текис йўлидан борар эканмиз, эртанги кунда эса мана шу йўлдан қоқилишимиз мумкин. Ана шундай вақтда ўртадаги мулк юзасидан, моддий таъминот бериш юзасидан турли муаммолар келиб чиқади.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: хавфсизликка тасдид, барсарорлик шартлари ва тараассиёт кафолатлари. Т, "Ўзбекистон", 1997 йил, 146-бет.

² Инсон суеулари тўрисида халёаро билль китобида. Т, "Адолат", 1992 йил, 14-бет.

Нима қилмоқ керак? Бир неча йиллар мобайнида аҳил-иноқ, барча ҳавас қилгудек оилага путур етди. Ҳеч ҳам ўйланмаган нарса - мол-мулк юзасидан низо келиб чиқди. Бундай ҳолларда муаммони осон ва қонун тарафидан ечиш йўлларида бири айнан никоҳ шартномаси ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси оила қонунчилигига кириб келган янги институт ҳисобланади. Шу пайтгача никоҳ шартномаси ҳақида биз фақатгина кинофильм, чет эл оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий маданиятидан, шартноманинг оддий, содда ва ўз навбатида эр-хотинларнинг шахсий ва мулкӣ муносабатларига қаратилганлиги ҳақида билар эдик. Мана, фурсат-ғанимати ҳозир эканки, бизнинг мамлакат қонунчилигимизга ҳам мазкур институт кириб келди. Аммо, аввал бошдаёқ шуни айтишимиз керакки, биздаги никоҳ шартномаси хориждаги никоҳ шартномаларидан сезиларли фарқ қилади. Қонунчиликда нормалар қанчалик "зўр" бўлмасин, аҳоли орасида бу ҳақда тасаввурлар, тушунчалар етарли эмас. Мазкур Рисола ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

1. Никоҳ шартномаси тушунчаси ва мазмуни

Шартнома... Биз тобора шартномалар дунёсига кириб бормоқдамиз. Икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг муҳим воситаси сифатида шартномалар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда¹.

Никоҳ шартномаси... Яқин-яқинларгача бу тушунча ҳатто энциклопедияларда ҳам, луғатларда ҳам учрамасди. Бу ҳақда гапиришнинг ўзи ўша даврда (яъни, шўролар ҳукмронлик қилган йиллар назарда тутилмоқда – **муаллифлар**) мантиқсиз ҳам эди. Чунки ўша даврнинг ҳуқуқий табиати бу ҳолатни инкор қиларди. Булар тушунарли, албатта. Боиси, биз кейинчалик, аниқроғи, бугунги кунда билмоқдамизки, никоҳ шартномаси ҳам аслида эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи (яъни, вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи) келишуви ҳисобланар экан. Табиийки, фуқароларнинг эркин мулк ҳуқуқига эга бўлишларига тиш-тирноғи билан қарши турган тузум шароитида эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишга қаратилган никоҳ шартномаси ҳақида гапириш бу бамисоли филдан пашша яшаш билан баробар эди. Афсуски, бунинг сира ҳам иложиси йўқ эди. Шу маънода, 1969 йилги Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва Оила қонунчилиги²да никоҳ шартномаси институтининг йўқлигини табиий ҳол деб қараш ўринли бўлур эди...

1991 йил 31 август. Ушбу сана Ўзбекистон давлати ва миллати тарихида унитилмас сана бўлиб қолди. Ўзбекистон Давлат Мустақиллигига эришди. Бу тарихий воқелик шунга олиб келдики, ёш Ўзбекистон давлати сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳанинг

¹ S.Расмонеулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи сисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т, "Иқтисодиёт ва суюе дунёси", 1999 йил.

² Ўзбекистон ССРнинг Никос ва оила кодекси. Т, "Ўзбекистон", 1978 йил.

бошқа тармоқларида янгича муносабатлар, янгича тарғиботлар вужудга келди. Деярли ҳамма соҳада ислоҳотлар бошланди. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлмасди. Ҳар бир соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ҳуқуқий таъминлаш талаб этиларди. Шу жумладан, ҳуқуқнинг алоҳида бир тармоғи ҳисобланган оила ҳуқуқи соҳасини ҳам. Оила ҳуқуқининг махсус манбаи ҳисобланган Оила кодекси 1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилиниб, шу йилнинг 1 сентябридан амалга киритилди. Оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзолари маъсуллиги ҳисси, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш ушбу қонун зиммасидаги юкдир.

Оилавий муносабатларда кўплаб учраб турадиган мулк масалалар билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам Оила кодексида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларда эр ва хотиннинг ҳуқуқлари, уларнинг мажбуриятлари, мулкдан фойдаланиш тартиби, эр ва хотиннинг умумий ва хусусий мулки билан боғлиқ масалалар Оила кодексида ўз ўрнини топган.

Эр ва хотиннинг мулквий муносабатларини кўриб чиқишда, албатта мулк ва мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Мулк ва мулк билан боғлиқ бошқа муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чиқарган ҳужжатлари билан, шунингдек бошқа қонуности норматив актлари билан ҳам тартибга солиниб турилади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасида "Мулкчилик

тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларини кўрсатиш мумкин.

Мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда бошқа мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилишига барҳам бериш лозим ва шарт¹ деб таъкидлаганди Президент И.Каримов.

Иқтисодий ўзгаришларнинг асосини мулкчилик муносабатлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида мулкдорларнинг ҳуқуқлари тан олинади ва қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик ҳуқуқини эътироф этди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитлар яратди. Юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, давлат мулкчини хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шакллариغا ўтказишнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди.

Мулкнинг тегишлилиги мулккий ҳуқуқ билан белгиланади. Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир².

Мулк билан боғлиқ бўлган муносабатлар нафақат мулккий ҳуқуқни вужудга келтиради, балки шу билан бирга мулккий мажбуриятларни ҳам келтириб чиқаради.

¹ И.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истислол ва тарақиёт йўли. Т., "Ўзбекистон", 1992 йил, 18-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., "Адолат", 1997 йил, 164-модда.

Мажбурият фуқаролик-ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа бошқа ҳаракатларни ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг энг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясига олинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазоворлиги белгиланган.

Юқорида айтганимиздек, амалдаги Оила қонунчилиги ҳаётимизга, ижтимоий турмушимизга бир қатор янги ҳуқуқий институтларни олиб кирди. Ана шундай янгиликлардан бири - бу никоҳ шартномасидир.

Никоҳ шартномасининг ҳуқуқ институти сифатида амалда бўлишини турли цивилист олимлар турлича талқин қиладилар. Г.Ф.Шершеневичнинг таъкидлашича, никоҳ шартномасининг эр-хотинлар мол-мулкнинг алоҳида турли хил режимда бўлишини фақатгина назарда тутмай, балки амалда бўлган никоҳ тушунчасининг ҳам доктринасига мурожаат қилмоқ кераклигини билдиради. Шунингдек, қисқача никоҳ тушунчасига ҳам тўхталиб, ушбу тушунчага уч нуқтаи назардан қараш лозимлигини кўрсатиб ўтади:

1. Никоҳ - (никоҳ шартнома);
2. Никоҳ статус;
3. Никоҳ жуфтлик¹.

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв.ред. Е.Васильев, М., "Межд.отношения", 1993. стр.516.

Никоҳ муносабатларига киришдаги кенг тарқалган концепциялардан бири бўлиб, шартномавий никоҳ ҳисобланади. Ушбу никоҳ аввалги галда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги шартномаларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлиши, яъни шартномада қонун талаби билан назарда тутилган никоҳнинг ҳақиқийлигига, эр-хотин никоҳдан ажрашаётганда эр ёки хотин томонидан етказилган зарарнинг тўланишини назарда тутди. Шартномавий никоҳда эр-хотинлар мол-мулкининг шартномавий тартибига кенг йўл қўйилади. Ушбу шартномага ижобий қараш лозим. Фақатгина эр-хотинларнинг мол-мулкининг шартномавий тартибини четга чиқармаган ҳолда, никоҳ тушунчаси билан алмаштириб юбормаслик керак.

Ҳуқуқшунос олим А.И.Загоровскийнинг фиркича, никоҳ "келиб чиқиш нуқтаи-назаридан ўзида шартномавий келишув" элементларидан ташкил топса-да, лекин мазмун-моҳияти, тугатилиш асослари билан шартномалардан ажралиб туради ва никоҳнинг мазмуни ва тугалланиши эр-хотинларнинг шарт-шароитларидан келиб чиқмайди. Шунинг учун никоҳ институтини шартнома ҳуқуқи институтига қиёслаб таққосламай, балки соҳалараро институт таркибига киритиш лозим¹, - дейди.

Г.Ф.Шершеневичнинг таъбирича, никоҳнинг шартнома асосида вужудга келишини никоҳ ҳуқуқий муносабатидан чегараламайди. Унинг фикрича, никоҳнинг вужудга келиш асоси алоҳида бўлиб, фақатгина фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларнинг юзага келиши шартномага асосланади, никоҳ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик мажбурияти бўлиб ҳисобланмайди. Никоҳдан асосий мақсад, дейди Г.Ф.Шершеневич, эр-хотинлик муносабатида жисмонан биргаликда

¹ Загоровский А.И. Курс семейного права. Одесса, 1909 г. с.195.

яшаш эмас, аксинча самимий муносабатларда яшашни ҳам назарда тутади. Шу нуқтаи-назардан, никоҳ ва мажбурият ўртасида фарқ келиб чиқиб, ҳар иккаласи ҳам шартномага асосланади. Шартнома қачонки бир ёки бир неча ҳаракатларни амалга оширишга қаратилса, демакки, ушбу шартнома мажбурият муносабатига айланади. Никоҳ муносабатларида биргаликда яшаш эса аниқ бир белгиланган ҳолатларни назарда тутмайди¹. Г.Ф.Шершеневич юридик фактларни тан олган ҳолда, шартнома никоҳ ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришини, унинг асосида муносабатларнинг вужудга келганлиги алоҳида институт сифатида эканлигини тан олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 20-асрда яшаб ижод қилган ҳуқуқшунос олимлар Загоровский ва Шершеневичлар оила ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми эканлигини, никоҳни алоҳида фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида намоён қилишни талқин қилдилар.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида эр-хотинларнинг фаёат расмий мулк тартибидан ташқари мулкни шартномавий тартибига сам ўрин берилди. У "никос шартномаси" ёки "никос контракти" деб юритилади². Буни бозор иқтисодиёти тамойилларини оилавий муносабатларга олиб кириш деб басоласа сам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигига биноан, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда, уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади³.

Ушбу қонуннинг қонунчилик амалиётига кириб келишининг боиси, бозор иқтисодиётининг ҳаётимизга кенг кўламда кириб келиши,

¹ Шершеневич Г.Ф. Общая теория и права. Т.1, вып. 3 М, 1912 г. с.160.

² Ф.М.Отахўжаев. Никос шартномаси. "Хўжалик ва суеуе", 1998 йил, 1-сон, 11-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т., "Адолат", 1998 йил, 20-бет.

тадбиркорликка йўл қўйилиши ва хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги (айниқса, хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдор ва қиймат жиҳатдан чегараланмаслиги) билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинганидан бери шу давргача 100дан ортиқ никос шартномалари тузилган. Шулардан Фарғона вилоятида 26 та никос шартномаси, Андижон ва Наманган вилоятларида 10-15 та никос шартномалари, Сурхондарё вилоятида эса умуман никос шартномаси тузилмаган. Фаёатгина Тошкент шаҳрида 50дан ортиқ никос шартномаси тузилган¹. Демак, қўринадики, никос шартномаси саётимизга тобора кириб бормоёда.

Шуни айтиш керакки, қонунчилик никоҳ шартномаси эр-хотиннинг фақат мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди деб, нормалайди. Хўш, шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар-чи? Шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар эса бизнинг минталитетимиздан, оилага бўлган ўзига хос муносабитимиздан келиб чиқиб, эр-хотин ўртасида ўзаро келишиб ҳал қиладилар².

Баъзи бир давлатларда, хусусан Америка Қўшма Штатларида, Буюк Британияда, Германияда никоҳ шартномаси тушунчаси эр-хотиннинг нафақат мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам тартибга солади. Шу маънода, улардаги никоҳ шартномаси республикамиз қонунчилигида назарда тутилган никоҳ шартномасидан ўз предмети, доираси билан фарқ қилади.

Никоҳ шартномаси тушунчасининг Оила кодексига киритилгани барча никоҳланувчиларни шартнома тузишлари керак, деган маънони англатмайди. Аксинча, никоҳ шартномаси тузиш ёки тузмаслик эр-хотиннинг мутлақо ўз инъон-ихтиёридадир. Шартнома тузиш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги архивидан. 2006 йил, декабр.

² Р.Саебдиева. Никос шартномаси. "Саёт ва еонун", 2001 йил, 4-сон, 19-бет.

мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотинга келишилган ҳолда никоҳда бўлган даврларида ёки никоҳдан ажралган даврларида мулкка нисбатан бўлган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олиш имконини яратади. Бироқ, бу шартномада бирор томонни оғир аҳволларга солиб қўювчи, қонунга зид шартлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Шартнома никоҳ тузишдан аввал ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам никоҳ қонуний равишда давлат органи томонидан қайд этилгач, шартнома кучга киради. Борди-ю никоҳ тузишдан аввал шундай шартнома тузилган бўлса-да, никоҳ тузилмаса бундай никоҳ шартномаси кучга кирмайди. Чунки унинг кучга кириши учун никоҳ тузилиши керак.

Никос шартномаси тушунчасининг Оила кодексига киритилгани барча никосланувчиларни шартнома тузишлари керак, деган маънони англатмайди. Аксинча, никос шартномаси тузиш ёки тузмаслик эр-хотиннинг мутлаёо ўз инъон-ихтиёридадир. Шартнома тузиш учун мажбур еилишга йўл еўйилмайди. Никос шартномаси эр-хотинга келишилган солда никосда бўлган даврларида ёки никосдан ажралган даврларида мулкка нисбатан бўлган ўз суеуе ва мжабуриятларини аниелаб олиш имконини яратади. Бирое, бу шартномада бирор томонни о'ир асволларга солиб еўювчи, еонунга зид шартлар киритилишига йўл еўйилмайди.

Шуниси аҳамиятлики, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг мавжуд мулкига нисбатан ҳам, келгусидаги мулкларига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Шартномада кўрсатилган мулкий мажбуриятлар маълум муддат билан чегаралаб қўйилиши ҳам мумкин.

Шу кеча-кундузда кенг аҳоли ўртасида никоҳ шартномаси янги тушунча бўлганлиги учун у қандай тузилади, нималар кўрсатилади ва нималар кўрсатилмайди, шакли қандай бўлади каби саволлар кўплаб

учрамоқда. Мазкур масалалар азбаройи шу кунларда кўплигидан келиб чиқиб, биз ҳам рисоламизнинг навбатдаги бобини ушбу масалага бағишладик.

2. Никоҳ шартномасини тузиш тартиби ва шартлари

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингугина қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Унда қуйидаги реквизитлар ўз аксини топиши керак:

- шартнома номи;
- шартноманинг тузилган санаси ва жойи;
- шартнома тарафлари (томонлари) ҳақида маълумотлар;
- шартнома предмети.

Шартнома предметида тарафларнинг (яъни, эр-хотиннинг) келишувига кўра, қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

- Шартнома тарафларининг никоҳгача бўлган давридаги мол-мулкларига эгалик қилишлари, фойдаланишлари, тасарруф этишлари;
- Эр-хотиннинг никоҳ давридаги мол-мулкларига эгалик қилишлари, фойдаланишлари ва тасарруф этишлари тартиби;
- Оила даромадлари ва ҳаражатлари ҳақидаги масалалар (ўқиш, касб ўрганиш, даволаниш, дам олиш билан боғлиқ ҳаражатлар);
- Тарафлар ёки улардан бири тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганларида даромад ва ҳаражатларда эр-хотиннинг иштироки;

- Эр-хотиннинг ҳар иккисига ёки улардан алоҳида бирига қилинган ҳадя мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ қоидалар;

- Бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан мулкый мазмундаги шартномалар тузиш ва бу шартномалардаги мажбуриятлар юзасидан эр-хотиннинг жавобгарлик масалалари;

- Никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш;

- эр-хотиннинг ҳар иккисига ёки улардан бирисига қилинган мерос мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ қоидалар;

- ўзаро моддий таъминот бериш масаласини тартибга солувчи қоидалар;

- никоҳ шартномасининг амал қилиш муддати;

- никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;

- никоҳ шартномасини тузишда, уни ўзгартиришда ёки бекор қилишда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари каби масалалар.

Қизиғи шундаки, шартномада юқоридаги бандларнинг барчаси тўлиқ кўрсатилиши шарт эмас. Эр-хотиннинг келишувига кўра, яъни масалан, тадбиркорлик билан шуғулланилганда даромад ва ҳаражатларда эр-хотиннинг иштирокини аниқлаб олиш никоҳ шартномасининг предмети шаклида ёритилиши ва шунга боғлиқ тегишли бандлар киритилиши ҳам мумкин.

Никоҳ шартномасининг шаклига тўхталиб шуни айтиш керакки, ушбу шартнома никоҳланувчи эр-хотин томонидан нотариус ҳузурида шахсан тузилиб, имзоланади. Касаллиги, саводсизлиги, жисмоний камчиликлари туфайли никоҳ шартномасини тузувчилардан бири ҳужжатни имзолай олмаса унинг илтимосига кўра, нотариус ҳузурида бу ҳужжатни бошқа шахс имзолаши мумкин. Эр (ёки хотин) муомала

лаёқатига эга бўлмаса, никоҳ шартномасини унинг номидан ҳомийси тузади.

Шуни айтиш керакки, никоҳ шартномаси ҳозирги вақтда ҳамма эр-хотинлар ўртасида, шунингдек никоҳга кирувчилар ўртасида тузилаётгани йўқ. Бунинг сабаби, уларнинг мазкур шартнома ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги, никоҳ шартномаси нималигини тушуниб етмаганликлари ва унинг аҳамияти қанчалик катталигини англамасликларидандир.

Никоҳ шартномасининг аҳамиятли жиҳатларини янгидан никоҳга кирувчиларга, никоҳда бўлганларга тушунтириш орқали уларда бу ҳақда тасаввурлар, тушунчалар уйғотишимиз мумкин. Бунинг учун тегишли органлар, айниқса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ўрни катта. Кези келганда шуни айтиш керакки, улар томонидан никоҳ шартномаси ҳақида тушунтиришлар олиб бориш жуда ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Умумий қоидага кўра, эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақиқий деб тан олинган шартномага асосан вужудга келади. Никоҳ шартномасини ҳақиқий деб тан олиш учун у қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

1. Никоҳ шартномасининг мазмуни қонун ҳужжатларига ва умуминсоний қадриятларга мос бўлиши. Шахсий-номулкий бўлган муносабатларни мажбуран бўйсундириб келишилишига йўл қўйилмайди;

2. Эр-хотин ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак, истисно сифатида никоҳ тузишга йўл қўйилган шахс муомала ёшига тўлган бўлиши ёки тўлган деб ҳисобланиши керак;

3. Никоҳ шартномаси нотариал расмийлаштирилиши шарт;

4. Никоҳ шартномаси қатнашчиларининг баён этилган хоҳишининг ҳақиқий хоҳишига мос келиши, яъни келишув тўғри тушунилиб, уни тузиш ихтиёрий асосда бўлиши керак.

Никоҳ шартномасида белгиланган талабларга риоя қилмасдан тузилса, томонларни ноқулай аҳволга солувчи, шунингдек шахсий-номулкий ҳуқуқларга қаратилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш суд томонидан ҳал этилади.

Биз юқорида никоҳ шартномасининг ўзига хос томонлари ва жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтдик. Сирасини айтганда, никоҳ шартномаси ҳақидаги қоидалар миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган ва амалга киритилган.

Шуни бот-бот айтишимиз керакки, никоҳ шартномаси фақат мулкый ҳуқуқларни келишишга йўл қўяди. Шахсий-номулкий ҳуқуқларга қаратилган келишувларга эса йўл қўйилмайди. Бу - миллий минталитетнинг ўзига хос ифодасидир.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ хорижий мамлакатлар билан турфа соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда, муносабатларга киришмоқда. Бу ҳолат оилавий-ҳуқуқий муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Аста-секинлик билан қатор ҳуқуқий қадриятлар ҳам кириб келмоқда. Никоҳ шартномаси институти шулар жумласидандир. Қатор ривожланган мамлакатларда никоҳ шартномасининг қўлланилиш доираси кенгроқдир. Айни вақтда никоҳ шартномасининг ўта катта доирада шахсий ҳуқуқларнинг расмийлаштирилиши ўзаро меҳр-муҳаббатни йўқолишига олиб келиши ҳам мумкин. Бу ўринда никоҳ шартномасининг оилада қатъий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро келишилган ҳолда ихтиёрий белгилаб олинишига ёрдам берувчи восита бўлиб хизмат қилади. Хўш, никоҳ

шартномаси хорижда қандай? Бу саволларга навбатдаги режамизда жавоб берамиз.

3. Никоҳ шартномаси: хорижда ва Ўзбекистонда

Оила жамиятнинг ячейкаси ҳисобланиб, уларнинг бирлигидан бутун бир жамият ҳосил бўлади. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида: "Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"¹. Бу билан ижтимоий тузум ва оила ўртасида узвий боғланиш мавжудлигини кўриш мумкин. Шунингдек, асосий қонунда белгиланган ҳамма тамойилларда, қоидаларда оилага, оилавий муносабатларга ва уни тартибга соладиган бошқа қонунларга эга бўлиш жамиятда оиланинг таъсирини билишга ёрдам беради.

Сир эмаски, мулк ҳуқуқи деган масала ҳамма замонларда, ҳамма жамиятларда бирдек муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Кези келганда, кишилар, жамоатчилик, айрим шахсларнинг ижтимоий турмушдаги ўрнини белгилашда унинг қанчалик мулкдорлигидан келиб чиқиб баҳо берилган. Бу нарса бугунги бозор иқтисодиёти шароитида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мулк ҳуқуқи, мулкдорлик жамиятнинг бутун бошли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу ҳолат ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида, шу жумладан оилавий ҳуқуқий муносабатларда ҳам акс-садо бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида илк бора никоҳ шартномаси, алиментлар тўлаш тўғрисида келишув, болаларнинг оиладаги ҳуқуқлари ва ота-оналарни моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлари каби мулквий масалалар ўз ифодасини топди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., "Ўзбекистон", 1992 йил.

Ижтимоий тараққиёт тадрижий суръатда ривожланиб боргани сари, ижтимоий муносабатлар ҳам унга ҳамоҳанг, параллел равишда ўзгариб боришини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ана шу маънода бугунги кунда тобора шартномавий муносабатлар чуқурлаша бориб, бу ҳолат оилавий ҳуқуқий муносабатларга ҳам кириб келди. Никоҳ шартномаси оиланинг марказий фигуралари ҳисобланган эр ва хотиннинг мулк ҳуқуқини белгилашга ва тартибга солишга хизмат қилувчи ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, никоҳ шартномаси фуқаролик муносабатларда оила муносабатларига тадбиқ этувчи, шу билан бирга ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи восита бўлиб ҳисобланади.

Табиийки, никоҳ шартномаси ҳозирча мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида соф янги ҳодисадир. Лекин унинг тарихан юзага келиши ва тажрибалари синалганлиги, шунингдек Ўзбекистон қонунчилигида миллийлаштирилган ҳолда акс эттирилгани мақсадга мувофиқдир. Келажакда никоҳ шартномаси ҳам оилани мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжат бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29-моддасида келтирилган таърифга кўра, "никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади"¹.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида эр-хотинларнинг фақат расмий мулк тартибидан ташқари мулкни шартномавий тартибига ҳам ўрин берилди. У "никоҳ шартномаси" ёки "никоҳ контракти" деб юритилади². Буни бозор иқтисодиёти тамойилларини оилавий муносабатларга олиб кириш деб баҳоласа ҳам бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т. "Адолат", 1998 йил, 20-бет.

² Ф.М.Отахўжаев. Никос шартномаси. "Хўжалик ва суеус", 1998 йил, 1-сон, 11-бет.

Никоҳ шартномаси эр ёки хотинга, шунингдек уларнинг ҳар иккисига ҳам никоҳ шартномасига биноан ихтиёрий ва келишилган ҳолда никоҳда бўлган даврларида ёки улар никоҳдан ажратилган вақтида ўз мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари учун имконият туғдиради.

Никоҳ шартномасида одатда фуқаролик ҳуқуқида кўп учрайдиган шартномалардаги сингари мажбуриятда шахслар алмашилишига йўл қўйилмайди¹. Яъни, шартноманинг тарафлари фақат никоҳ муносабатига кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотинлар бўлиши мумкин.

Шартноманинг мазмуни эр-хотиннинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат. Никоҳ шартномаси предметини ифодаловчи хусусиятлар шартномада назарда тутилган шартлар эр-хотин ўртасида мавжуд бўлган мулкӣ ҳуқуқлардан ва келажакда улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Никоҳ шартномасининг юридик томондан энг аҳамиятли жиҳати шундаки, у эр-хотин ўртасида истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни суд амалиётида тўғри ҳал қилинишида ёрдам беради. Нафсиларни билан айтганда, бизда, айниқса ўзбек оилаларидаги қуда-андачилик муносабатларида асосий харажатлар, тўй ва тўй билан боғлиқ бошқа муносабатлардаги чиқимлар эркалар томонига тушади. Яхши, тўй дабдабали, серҳашам ҳам бўлди. Ёшлар 1 ой, 2 ой, 4 ой ҳам яшашди, аммо... аммо, ҳаммаси шундан кейин бошланяпти. Ахир, муҳаббатнинг кўзи кўр-ку? Ёшлар буни қайдан билсин. Майли, бу ҳолатни ҳам тушунса бўлади. Бу жабҳада яна бир нозик ҳолат борки, буни сўз билан ёзма ифодалаш ҳам қийин, яъни тўй бўлиб ўтди ҳам, жуда чиройли, жуда гўзал тўй бўлди, аммо

¹ О.Оеюлов. Мажбурият юзасидан келиб чиқадиган жавобгарлик. "Саёт ва сонун", 1998 йил, 4-сон, 18-бет.

биринчи кечада бўлиши лозим бўлган "иш" амалга ошмай қоляпти, яъни "қиз-келиннинг" "айби" билан. Хўш, бу ҳолат бизнинг ўзбекчилигимизга тўғри келадими, ахир? Бу – бориб турган иснод-ку, ахир? Ана, энди айтинг, ким – аслида ким? Ким кўтариб юради, бундай ҳолатни? Тўй ва тўй олди харажатларни ким кўтаради? **Оила кодексининг 44-моддасида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида тўйни ўтказишга кетган сарф-ҳаражатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмаслиги белгилаб қўйилган. Тўй, албатта ўз номи билан тўй. У асосан маҳаллий урф-одат, анъаналарга биноан ўтказилади. Бирон-бир шахсни мажбурлаб, тайзиқ ўтказиб, дабдабали тўй ўтказиш ҳақида талаб қўйила олмайди. Чунки тўйни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.** Афсуски, бундаин тубсиз саволлар бизнинг жамиятимизда тубсизлигича қолиб кетмоқда. Никоҳ шартномасининг тузилиши, расмийлаштирилиши қайсидир маънода мана шундай ҳолларнинг олдини олишда муҳим восита ролини ўйнайди.

Никоҳ шартномаси бошқа фуқаролик шартномалари каби томонларнинг ихтиёрийлиги ва ўз эркини ифодаловчи ёзма шаклда тузилади. Бундай умумий асосларда у томонлар, яъни эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқларини ифода этади.

Миллий қонунчиликда никоҳ шартномаси фақат эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқларини белгилаб олишга хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган.

Никоҳ шартномаси ўзининг мазмун-моҳияти билан оила муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олиши билан ҳам характерлидир.

Халқаро миқёсда никоҳ шартномаси узоқ тарихга эга. Тарихий ривожланиш жараёнида кўпгина Европа давлатларида никоҳ

шартномаси қўлланилиб келинган. Масалан, Франциянинг "Наполен кодекси"да ҳам никоҳ шартномасига тўхталиб ўтилади. Ҳозирда Франция Фуқаролик кодексида 1-китоб, Германия Фуқаролик кодексида 4-китоб, Швейцария Фуқаролик Кодексида 11-китоб, Англияда "Никоҳ тўғрисида"ги қонунда оила муносабатлари ёритилган бўлса, никоҳ шартномаси масалаларига ҳам албатта тўхтаб ўтилган. Ҳаттоки, никоҳ шартномасини никоҳнинг муҳим бир элементи сифатида таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги даврда эр-хотинларнинг мулкий муносабатларини тартибга солишда икки хиллик мавжуд: бир қатор давлатлар оила ҳуқуқида эрнинг ҳукмронлиги характерли, кўпчилик мамлакатларда ҳозирги давргача оилада эр-хотиннинг тенг ҳуқуқли эмаслиги сақланиб қолинган. Бу давлатларда Фуқаролик кодекси бўйича никоҳ шартномаси ўрнатилган бўлиб, шартнома никоҳдан олдин тузилиб, унда авваломбор хотиннинг мулкига нисбатан эрнинг ҳуқуқи мустаҳкамланади¹.

Кейинги даврларда "никоҳ шартномаси" шакли чет мамлакатларда кенг тарқалмоқда. Унга асосий талаб сифатида никоҳ шартномаси намоён бўлмоқда. Қонунчилик бўйича умумий шартномаларга қўйилган талаблар: никоҳ тузиш тартиби, унинг ҳақиқий саналиш шартлари, никоҳдан ажрашганда эр-хотиннинг зарарни ундириш шартлари кабилар белгиланади. Булардан ташқари оилада мулкни ким бошқариши ҳам шартномада белгиланиши мумкин. Францияда эр-хотиннинг мулкни бошқаришида эр ушбу мулкни бошқара олади, лекин хотиннинг розилигисиз муҳим шартнома ёки битимларни туза олмайди. Аргентина, Бразилия ва Испания каби

¹ Лунц М. Международное частное право., М., "Юр.лит", 1984 йил. с. 62.

давлатларда мол-мулкни бошқаришда эрнинг роли бирмунча юқоридир.

Ғарб давлатларининг оила қонунчилигида никоҳ шартномаси масаласининг ўзига хослиги шундаки, унда нафақат мулкый муносабатлар, балки шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам ўзаро келишиб олиниши ҳоллари учрайди. Бу никоҳнинг "шартнома" шаклига мувофиқ келади. Бунда эр-хотин ўртасидаги муносабатни тартибга солишда никоҳ шартномаси муҳим роль ўйнайди. Никоҳ шартномаси шартларини бажармаслик никоҳни бекор қилишга, хатто маълум ҳуқуқий жавобгарликка ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда Америкада "никоҳ тузишдан аввалги келишув" кенг тус олган. Унга биноан эр-хотинлар ушбу келишувда исталган нарсаларини келишиб олишлари мумкин бўлади. Никоҳ тузишдан аввалги келишувга биноан эр-хотинлар болаларнинг тарбиясида иштирок этиб, уларни моддий таъминлаш хусусида, умумий рўзғорни юритиш, шахсий муносабатларни ойдинлаштириб олиш юзасидан ушбу келишувни имзолашлари амалиётда кенг тарқалган. Умумий қоидага биноан, никоҳ шартномасида никоҳгача бўлган келишув ўйланиб тузилган ва оқилона бўлиши даркор¹.

Россия қонунчилиги никоҳ шартномасини тузиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда, ғарб давлатлари қонунчилига эътиборни қаратади. Ўз навбатида эса, фақатгина ғарб давлатларининг ижобий томонларини олмай, балки салбий жиҳатларини ҳам ўрганиб чиқиб, ўз қонунчилигига киритган. Жумладан, ғарб давлатларидагидек, Россия қонунчилиги никоҳ шартномасидагидек шахсий муносабатларни, мулкый муносабатлар

¹ Орлова Н.В. Брак и развод в США. М., 1978 г. с. 29.

билан биргаликда эмас, балки фақатгина мулкый муносабатларни тартибга солишни йўлга қўйган.

Айни вақтда никоҳ шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув ҳам никоҳ шартномаси тузилган шаклда амалга оширилади. Никоҳ шартномаси шартномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин ёки тарафлар томонидан ўрнатилган никоҳдан ажратилгандан кейин ҳаракатдан тўхтатилади.

Никоҳ шартномасини Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилиги билан ўзгартириш ёки бекор қилиш хусусида тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикаимиз қонунчилигига биноан никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда албатта тасдиқланиши лозим.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Никоҳ шартномаси эр-хотинлар никоҳ даврига қадар тузилган бўлса, у қачондан бошлаб амалга киради ёки бўлмаса, ушбу никоҳ шартномасини имзолагандан сўнг, эр-хотинлар мулк ҳуқуқини вужудга келишини 10 йил 15-йилдан кейинга келишиб олишлари мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигига биноан никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, ушбу шартнома никоҳ давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб амалга киради. Никоҳ шартномасида эр-хотинлар ўзаро келишган ҳолда ўзларининг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга ҳақли бўлиб ҳисобланадилар. Унга биноан никоҳ шартномасида белгилаб олинган ҳар қандай мол-мулклар эр-хотинларнинг ўзларига тегишли бўлиб ҳисобланади. Мулк ҳуқуқини вужудга келиши эса ушбу шартнома тузилган вақтдан ва нотариал тартибда тасдиқланганидан сўнг пайдо бўлади. Юқоридаги саволга ойдинлик киритадиган бўлсак,

эр-хотинлар мулк ҳуқуқини вужудга келишини 10 йил ёки 15 йилдан сўнглигини келишиб ола олмайдилар. Фақатгина никоҳ шартномасининг бандида мулкый муносабатларга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келишиб, белгилаб олишлари мумкин бўлади.

Қонунчилигимизга биноан агар никоҳ шартномаси бекор қилинмаган бўлса, у никоҳ тугатилгугига қадар амалда бўлади. Никоҳ тугатилган пайдан бошлаб никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинга давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно бўлади. Никоҳ шартномаси шундай ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаши мумкинки, улар никоҳ тугатилганидан сўнг ҳам амалда бўлади. Биринчи навбатда, бу никоҳ тугатилгандан сўнг эр-хотиндан биттасининг моддий таъминлашга тааллуқли бўлишидир.

Қисқача қилиб, никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш асослари хусусида тўхталиб ўтсак. Оила кодексининг 33-моддасига биноан никоҳ шартномаси суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳақиқий деб тан олинган шартномага асосан вужудга келади. Ҳақиқий деб тан олинган шартноманинг шартлари:

Биринчидан, никоҳ шартномасининг мазмуни қонунга хилоф бўлмаслиги лозим. Шахсий номулкий бўлган муносабатларни мажбуран бўйсундириб келишилишига йўл қўйилмайди;

Иккинчидан, эр-хотин ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Истисно сифатида никоҳ тузишга йўл қўйилган шахс муомала ёшига тўлган бўлиши ёки тўлган деб ҳисобланиши керак;

Учинчидан, никоҳ шартномаси нотариал расмийлаштириши шарт;

Тўртинчидан, никоҳ шартномаси қатнашчиларининг баён этилган ҳоҳиши унинг ҳақиқий ҳоҳишига мос келиши, яъни келишув тўғри тушунилиб, уни тузиш ихтиёрий асосда бўлмоғи лозим.

Никоҳ шартномаси белгиланган талабларга риоя қилмасдан тузилса, у ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, никоҳ шартномаси муомалага лаёқатсиз шахснинг иштирокида тузилган бўлса (Фуқаролик Кодексининг 119-моддаси), никоҳ шартномаси юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган бўлса (қалбаки битим, Фуқаролик Кодексининг 124-моддаси 1-банди), ёки никоҳ шартномаси Оила Кодексининг 31-моддаси 5-банди талабларини бузиб тузилса, ушбу шартнома ҳақиқий эмас деб топилади.

Америка Қўшма Штатлари қонунчилигига биноан никоҳ шартномасининг ҳақиқий эмас деб топиш учун бошқа бир асослар мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий эмас деб топилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасида никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлсагина ҳақиқий эмас деб топилар экан, чунончи шартнома шахсий муносабатларга қаратилганлиги хусусида ҳам гапириб ўтган эдик. Демак, Америка қонунчилигига биноан шахсий муносабатларга қаратиб тузилган шартнома никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмаслигини биз илмий тадқиқотимизни ўрганиш жараёнида амин бўлдик.

Эр-хотинларга турли хилдаги никоҳ шартномасини тузиш учун рухсат берилади. Масалан, мулкий тартибни белгилаб олиш ҳуқуқини. Чунончи:

- 1. Эр-хотинлар мол-мулкининг умумий бўлиши;***
- 2. Никоҳ тузилгандан сўнг, кўчмас мол-мулклар ва бошқа мулкларнинг эр-хотинлар томонидан сотиб олингандан сўнг тақисмланиши;***

3. Умумий мол-мулкдаги тенг бўлмаган эр-хотинларнинг улуш-ларини аниқлаб олиш;

4. Никоҳ тугатилганидан сўнг, эр-хотинлардан бири умумий мулкдан маълум бир қисмини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги хусусида никоҳ шартномаси тузишга ҳақли ҳисобланганишлари ва бошқаларни.

Франция қонунчилигига мувофиқ, умумий мулкдан фойдаланишнинг турли хил кўринишлари ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, эр-хотинлар мол-мулкка биргаликда эгалик қилиб, фойдаланиб ва ҳар қандай мол-мулкни тасарруф қилишда ва ҳужжатларни имзолашда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Эр-хотинлар келишилган ҳолда бир-бирларига ишонишлари ва улардан ҳар бири эр ёки хотин номидан нотариал ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишлари, шунингдек мулкнинг аниқ бир қисми юзасидан якка ҳолда ёки аксинча биргаликда бошқаришни келишиб олишлари мумкин.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аксари ғарб давлатлари қонунчилигида, никоҳ шартномасининг Низомида эр-хотинлар бир-бирларига бўлган шахсий муносабатларни, бир-бирларига мадад ва ёрдам беришларини бекор қилмаслиги, фарзандларнинг тарбияси ва таъминотида иштирок этишни тақиқламаслиги лозимлиги белгиланади¹.

Исломда оила муносабатлари бевосита дин билан узвий боғлиқдир. Исломшуносликнинг манбалари ҳисобланадиган Қуръони Карим, Сунна, Ижмо, Қиёс кабиларда ҳам оила муносабатларига батафсил тўхталиб ўтилади.

¹ Хазова О.А. Брак и развод в зарубежном семейном праве. М., 1998 йил. с.45.

Мусулмон ҳуқуқига биноан никоҳ ўзида шартнома характериға эға бўлиб, у олди-сотди шартномасига ўхшаб кетган. Бир томондан келин сотиш шартномасининг предмети бўлса, иккинчи томондан эса куёв шартномада сотиб олувчи, яъни, келин учун белгиланган миқдордаги пулни, шартнома шартларига кўра, келин учун қалим¹ ва маҳр²ни тўлаши лозим бўлган.

Шариат ва одат нормалари бўйича эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб қўйилган. Улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат никоҳ шартномаси тузилиб, келинга қалим ва маҳр тўлангандан кейингина амалға кирган. Оилада эрнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлган: Оилани таъминлаш мақсадида эрға моддий таъминлаш юклатилган. Агар эр хотинға қалим ва маҳр тўлаган бўлса, хотин албатта эрнинг уйида яшаши лозим бўлган. Эр хотинға нисбатан хиёнат қилган бўлса, унга нисбатан ҳеч қандай фуқаролик ва жинсий жавобгарлик белгиланмаган. Хотинни таъминлаш эрнинг мажбурияти ҳисобланган. Агар эр олти ойдан ортиқ муддатда уйда бўлмаса ва хотинни моддий жиҳатдан таъминлай олмаса, у ҳолда хотин ажрашиш тўғрисида даъво қилиши мумкин бўлган. Эр бир неча хотинға эға бўлган ҳолларда, ҳар бир хотин учун ҳовлиға чиқадиган алоҳида хона билан таъминлаши зарур ҳисобланган. Унинг ҳар бир хотини эрнинг мулкидан тенг миқдорда фойдаланишға ҳақли ҳисобланганлар. Хотиннинг яшаш жойи эрнинг уйи ҳисобланган. Никоҳ шартномаси тузилганидан

¹ Калим, келинни сотиб олиш, унинг ота-онаси учун тўлов, ота-онаси бўлмаган тақдирда, қариндошлари ёки васийларига пул кўринишида, шунингдек, тирик мол кўринишида, мулк ҳамда шахсий меҳнати туфайли уларнинг фойдасига тўлаш.

² Эрнинг хотинға никоҳ шартларига кўра, ўзининг мулкидан бериладиган сепи маҳр ҳисобланган.

сўнг хотин эрни тинглаши ва унинг ҳар бир топшириғинни виждонан бажариши лозим бўлган. Хотин асосан уй-рўзғор юмушларини олиб борган ва болалар тарбиясига алоҳида эътиборни қаратган. Хотин эрдан ўзининг таъминоти учун ҳақ талаб қилишга доимо ҳақли бўлган.

Эр-хотиндан бири ислом динидан бошқа динни қабул қилса, никоҳ тугалланган ҳисобланган, ўртадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам тугалланган ҳисобланади. Эр хотинга хиёнта қилса, хотинни "идда"¹ муддати ўтгунига қадар моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятдан озод бўлмайди.

Ислом бўйича оилага таъриф берсак, икки жинсдаги шахснинг инон-ихтиёри билан бирга турмуш қуришга розилиги, танмаҳрамлигидир. Бу албатта қодир Оллоҳнинг гувоҳлигида амалга оширилади.

Оила қуришда тенглик принципи Оллоҳ ҳузурида гувоҳлантирилади. Бунда эр ва хотин Оллоҳ олдида тенг бандалар бўлиб ҳисобланадилар. Лекин ўзаро ҳаётда маъсулият ва мажбурият асосан эркакка юклатилади. Аёл гўзал ҳулқ ва иймон билан оиланинг турмуш тарзини юритувчиси ҳисобланади.

Қуръони Карим оила муносабатларини ундаги эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқлари, фарзандлари ва мерос каби масалаларнинг барчасига жавоб берувчи илоҳий китобдир. Масалан, Қуръони Карим Нисо сурасининг 12-оятида келтириладики: "хотинларингиз вафот этган тақдирда, уларнинг қолган мол-мулкнинг ярмига Сизлар ҳақдорсизлар, башарти, у хотинлардан фарзанд қолмаган бўлса"².

¹ "Идда" - бу шундай муҳлатки, бунда хотин эри вафот этганидан сўнг ёки никоҳдан ажрашганидан кейин эрга тегмаслиги. Яъни, ажрашгандан кейин уч ойу ўн кун, эри вафот этганидан кейин эса тўрт ойу ўн кун ичида. Демак, 130 кун ичида аёлнинг хомиладорлиги аниқланмаса.

² Суръони Карим, Нисо сураси. Т., "Сомус", 1994 йил.

Никоҳ шартномасининг асосий мақсади эр-хотинларга никоҳ давомида ўзларининг мулкӣ ҳуқуқларини кенг равишда белгилаб олиш имконини беради. Эр-хотинларнинг никоҳлари қайд этилгунга қадар ва никоҳ давомида олинган уларнинг ҳар бирининг хусусий мулк ҳуқуқини ва эр-хотинларнинг никоҳдан ажрашаётганларидаги мулкӣ санкцияларини белгилаб бериши мумкин.

Америка қонунчилигига биноан, "никоҳдан аввалги шартнома" кенг тус олган. Ушбу шартнома шартларига биноан биргаликдаги эр-хотинлар яшашлари давомида ҳоҳлаган шахсий ва мулкӣ муносабатларини келишиб олишлари мумкин бўлади. Лекин амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, аксари эр-хотинлар болалар тарбияси ва таъминоти хусусида, умумий хўжалик юритишда иккала томоннинг мажбуриятларини белгилаб олишлари мумкин бўлади. Ушбу ҳолатлар бўйича муаммо келиб чиққанида, суд томонидан эътиборга олинмай қолинади. Умумий қоидага биноан, никоҳ шартномаси оқилона ҳатти-ҳаракатни кўзлаб, холисона тузилмоғи керак¹.

Республикамиз Оила қонунчили кўпгина давлатларининг никоҳ шартномалари тузилишининг алоҳида хусусиятлари бўйича афзал жиҳатларини ўрганиб чиққан.

Ислонда ҳам никоҳ шартномасига йўл қўйилади. Унинг мазмун-моҳияти турли мазҳабларда турличадир. Никоҳ шартномасини ёзма шаклда тузишга ҳожат йўқдир, зеро , бандасининг сўзлари ва ишларига Оллоҳнинг ўзи гувоҳдир. Масалан, шиалар мазҳабида "мудъа муваққат" - вақтинча никоҳда никоҳ шартномаси тузиш назарда тутилади. Бунда хотинга тўланадиган эҳсон миқдори кабилар келишиб олинади.

¹ Орлова Н.В. Брак и развод в США. М., 1978 йил. с.68.

Суннийларда эса никоҳ ўқиш маросими даврида никоҳ ўқувчи мулла ва икки гувоҳ ва икки гувоҳ (икки эркак ёки икки аёл бир эркак ўрнига) иштирокида никоҳ шартномаси тузилиши мумкин. Бунда оғзаки тарзда Оллоҳнинг гувоҳлигида эр-хотин мол-мулкининг ҳуқуқий ҳолати белгилаб олиниши назарда тутилади.

Исломда асосан эрнинг мулкни бошқаришдаги устунлиги сақлаб қолинган. Хотин ўзининг сепи билан келган мулкка эга бўлади. Биргаликда орттирилган мол-мулк эр томонидан бошқарилади. Шариат қонунлари бўйича хотин (ожиза)нинг эрига итоатда бўлиши ва ҳурмат қилиши белгиланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, томонларнинг талаби билан никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва гувоҳлар ёрдамида имзоланиши ҳам мумкин бўлган.

Оила кодексининг 30-моддасида никоҳ шартномасини тузиш белгилаб қўйилган. Унга кўра никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкинлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан кучга киради.

Эр-хотинлар никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмасликлари уларнинг шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу шартномани тузишга зўрлаш, қўрқитиш ёки бошқа ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган ҳолда тузишга ёки бўлмаса мажбурлашга йўл қўйилмайди. Томонларнинг ўз ҳоҳиш-иродалари билан никоҳ шартномасининг мулкий муносабатларга қаратилган шартлари белгилаб олиниши мумкин. Лекин, шартнома тузиш вақтида амалдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларнинг бажарилиши лозим бўлган қоидаларга риоя қилиниши керак бўлади.

Никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг шахсан ўзига тегишли бўлиб ҳисобланади. Никоҳ шартномасини эр-хотинлар тузмасалар, уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқӣ нормалар билан тартибга солинади.

Никоҳ шартномасини тузиш вақтида эр-хотиндан бири муомала лаёқатига эга бўлмаса, ушбу шартномани унинг номидан ҳомийси тузиши мумкин бўлади.

Никоҳ шартномаси қонун тарафидан белгиланган шаклда, яъни нотариал тартибда тасдиқланиши керак. Нотариал тартибда тасдиқланмай ёки бўлмаса оғзаки равишда тузилган никоҳ шартномаси ҳақиқӣ эмас деб топилади. Ушбу талабларни белгилаш никоҳ шартномасининг эр ёки хотинга, шунингдек учинчи шахсларга нисбатан ҳам алоҳида аҳамияти борлигини билдиради.

Мана, кўрдикки, никоҳ шартномаси ҳуқуқӣ институти биз учун нисбатан янгилик бўлса-да, хорижий давлатларда бу ҳолат оддий кундалик фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатнинг таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Уларнинг бирлигига тўхталиб шуни айтиш керакки, иккала ҳолда ҳам никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмоқда, ўзгартирмоқда ва бекор қилмоқда. Шу ернинг ўзидаёқ "муайян" сўзи ўзига хос шарҳни талаб қилади. Биз бу ўринда фуқаролик, оилавий ёки мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни (яъни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни) тартибга солади, дейишимиз ҳам мумкин эди. Ёки лоақал улардан биттасини марказий фигурага қўйишимиз ҳам мумкин эди, аммо ўрганилаётган мавзу, тадқиқот объекти бунинкор қилади. Боиси, агар "фуқаролик муносабатлари" деганимизда, унда муносабатлар кўлами жуда ҳам кенгайиб кетган бўларди. Агар "оилавий муносабатлар" деганимизда, унда асосан урғу оилавий-ҳуқуқӣ муносабатларга бориб тақаларди. Мулкӣ муносабатлар деганимизда, бунда шахсий-номулкӣ

муносабатлар қолиб кетарди ва аксинча, шахсий номулкий муносабатлар деганимизда мулкый муносабатлар қолиб кетарди. Шу муносабат билан никоҳ шартномаси муайян муносабатларни тартибга солади, дедик. Айни вақтда ғарб мамлакатларида никоҳ шартномаси ҳам мулкый муносабатларни, ҳам шахсий номулкий муносабатларни тартибга солишига дуч келдик. Бизда эса, никоҳ шартномалари фақат мулкый муносабатларга қаратилишини оила қонунчилиги белгилади. Хўш, бу нимани билдиради? Бизда ҳам шахсий номулкий муносабатларни никоҳ шартномаси доирасига киритиш мумкинми-кан? Ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам физиологик, ҳам руҳий пировардида соф инсоний мезонлардан, маҳаллий менталитетдан келиб чиқиб масалага кенгроқ кўз билан қарайдиган бўлсак, бу - амалга ошириб бўлмайдиган ҳолатдир. Тўғри-да, амалдаги оила қонунчилиги якка никоҳликни қайд этган бўлса, ғарбдаги сингари "оммавий уйлар"га йўл қўйилмаган бўлса, қолаверса, оддий ўзбек оиласида шаклланган муносабатлар никоҳ шартномасига шахсий номулкий муносабатларни киритишни инкор этади. Бу ерда яна аслида гап никоҳ шартномасига бориб тақалади: никоҳ шартномаси керакми, йўқми? – қабилида.

Ҳар бир нарсанинг, воқеликнинг индаллоси, интиҳоси ва мантиғи бўлгани сингари никоҳ шартномаси институти (воқелиги) ҳам ушбу умумий қоидаларга асосланади. Хўш, никоҳ шартномаси қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

4. Никоҳ шартномасининг мулкый-ҳуқуқий оқибатлари

Эр ва хотин оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкый муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу мулкый муносабатларни эр-хотинлар никоҳ шартномасини тузаётган вақтларида келишиб олишлари мумкин

бўлади. Чунончи улар никоҳ шартномасини тузаётганларида ўзларининг умумий биргаликдаги мулкларини, уларнинг ҳар бирининг хусусий мулкини, уларнинг умумий биргаликдаги мулкларидаги улушларини ва ниҳоят уларнинг модий таъминоти, яъни алимент ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам никоҳ шартномасида белгилаб олишлари мумкин бўлади.

Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига иқтисодий мазмундаги масалалар - эр ва хотиннинг умумий мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ҳар бирининг алоҳида хусусий мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро моддий таъминотдаги алимент ҳуқуқи ва мажбуриятларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида биргаликда орттирган мол-мулклари Фуқаролик ва Оила қонунлари билан тартибга солинади. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган мулк тўғрисидаги умумий қоидалар, хусусан биргаликдаги мулк тўғрисидаги қоидалар тадбиқ қилинади. Оила қонунчилигида умумий мулк тўғрисидаги қоидалар ФКга қрши қўйилиши мумкин эмас, чунки у биринчидан Фуқаролик Кодексидаги қоидаларни тавсифлайди ва тўлдиради, иккинчидан фуқаролик қонунларида кўрсатилган оилавий муносабатларни ўзига хос хусусиятларини ва айрим истисноларини аниқлайди.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Бу амалдаги Оила кодексига кириб келган янги қоида бўлиб, у бўлажак эр-хотиннинг никоҳ қайд этилгунга қадр йиғилган умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклардир.

Оила кодексининг 23-моддасининг 2-бандида умумий мулкнинг асосий турлари санаб берилган – булар жумласига эр ва хотиннинг

ҳар бирига оид меҳнат фаолиятдан, тадбиркорлик фаолиятдан ва интеллектуал фаолияти натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиши ёки саломатлигига бошқача зарар етказилиши оқибатида меҳнат фаолиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланадиган сумма ва бошқалар) киради.

Юқорида санаб ўтилган эр-хотинларнинг умумий мулкларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини Оила кодексига янгилик бўлиб ҳисобланадиган ва фақат эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи келишуви, яъни, никоҳ шартномасида аниқ қилиб белгилаб олишлари мумкин бўлади.

ФКнинг 216-моддасининг 2-бандига асосан биргаликдаги мулк улушлари аниқлаб қўйилмаган тақдирда, умумий мулк бўлиши мумкин.

Никоҳни белгиланган тартибда қайд этмасдан яшаш уларнинг мулкни биргаликдаги умумий мулки деб топиш учун асос бўла олмайди.

Никоҳни қайд этмасдан бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкӣ муносабатлари фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади¹.

Эр ва хотиннинг текинга олган мулклари – тўйда, туғилган кунларда ва бошқа муносабатлар натижасида олинган мол-мулклар, агар уларнинг умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки таркибига киради. Агар уларнинг ҳар бирига тегишли мулкка никоҳлари давомида шу мулкнинг қийматидан ошиқ маблағ сарфлангани аниқланса, бу мулк уларнинг умумий мулки деб топилади. Оила кодексининг 23-

¹ И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик суёуеи. Т., "Адолат", 1996 йил.

моддасининг 2-бандида узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадларга эга бўлмаган тақдирда ҳам, эр ва хотин ўзларининг умумий мулкига нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлишлиги тўғрисида анъанавий қоидаларни келтирса-да, бироқ қонун бундай сабабларнинг тўла рўйхатини бермайди. Фақат иккитасининг уй-рўзғор ишларини юритиш ва болаларни парвариш қилишни келтириш билан чекланади. Узрли сабабларга кўра, иш ҳақига эга бўлмаган эр ва хотиннинг умумий мулкидаги ҳиссасини баро-бар бўлиш ҳақидаги қоида асосан касаллиги сабабли ишлаб чиқаришда қатнаша олмаган шахсларни манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Алоҳида бу қоида армияда хизмат қилиш, ўқишда бўлгани ёки умум оила манфаатларини кўзлаб қилинган биро иш билан банд бўлганлиги учун эр ва хотинга нисбатан ҳам тадбиқ қилинади.

Эр ва хотин фермер ва деҳқон хўжалиги аъзоси бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки хўжалик тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 223-225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Никоҳ шартномасига биноан эр ва хотин биргаликдаги мулкининг иштирокчилари бўлсалар-да, улар умумий мулкни эгаллашиб, ундан фойдаланишлари хусусида келишиб олишлари мумкин бўлади. Мулкни тасарруф этиш эр ва хотиннинг розилиги асосида биргаликда амалга оширилади. Агар умумий мулкни биронтаси тасарруф этишни амалга оширса, у ҳолда албатта иккинчи томоннинг розилиги борлигини билдиради. Ушбу ҳолат ҳам никоҳ шартномасида келишилган бўлиб, нотарил тасдиқланиши лозим бўлади.

Никоҳ шартномасини тузган эр ва хотин битим тузган эр ва хотин уни тузишлик учун иккинчи томоннинг розилиги олинганлигини исботлаши шарт эмас. Бу ҳолатни бундай ҳал қилиш - иккинчи

томоннинг розилигини исботлаш фуқаролик оборотида фавқулодда қийинчиликларни келтириб билан боғлиқ. Масалан, дўконда мол харид қилаётган эр ёки хотин ҳар гал бирон-бир бўюмни ёки ашёни харид қилаётганида иккинчи томоннинг розилигини тасдиқлайдиган ҳужжат лозим бўлади. Бироқ, бу иккинчи томоннинг розилигини олиш қондаси сифатида бевосита ифода этилиши лозим, майда маиший битимлар; озиқ-овқат харид қилиш, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган ҳом-ашёларни сотиб олишда иккинчи томоннинг розилиги, одатда талаб қилинмайди, агар эр ва хотинни бири иккинчисини розилигини олмасдан битим тузса, бундай битим мунозарали битим ҳисобланади. Ҳуқуқи бузилган томон битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво билан мурожатта этиши мумкин. Агар бунда эр хотинни бундай битимга эр ёки хотини рози эмаслигини томонлар олдиндан билгани ёхуд билиши лозим бўлгани исботланса, бундай битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Битимлар тузилганда нотариал тасдиқлан ёки қайд этиш талаб этилса, бу ҳам қонда бўйича алоҳида аҳамиятга эга бўлган битимлар ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради:

- эр ва хотиннинг никоҳга қадар фақат ўзига тегишли бўлган мулки, (уй жиҳозлари, омонот кассаларига қўйилган пуллар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар)ни никоҳ давомида ҳада ёки мерос тариқасида олган мулклари;

- тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);

- эр-хотинлар томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (олтин соат, мотоцикл ва бошқалар) эр ва хотинни никоҳ тузишларига қадар олган ҳадялари (яъни, келиннинг сепи) ва бошқалар, бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъий назар, уларни биргаликдаги умумий мулки таркибига кирмайди. Ушбу мол-мулкларни эр-хотинлар никоҳ шартномасида ҳам белгилаб олишлари мумкин.

Эр ва хотинни шахсий фойдаланишида бўлган кийим-бош, пойафзал ва бошқалар уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Бундай мулкларни хусусий мулк деб ҳисоблаш учун уларни қайси маблағ ҳисобига ҳарид қилингани ҳисобга олинмайди, мулкни эр ва хотинни хусусий мулки деб ҳисоблаш учун уларни шахсий фойдаланишида бўлгани кифоя қилади. Лекин шахсий шахсий фойдаланишдаги ҳамма буюмлар ҳам эр ва хотинни хусусий мулки бўлавермайди. Масалан, зебу-зийнат , ашёлар умумий маблағ ҳисобига олинган бўлса-да, эр ва хотинни шахсий фойдаланиши учун белгиланишидан қатъий назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади. Қонунда зебу-зийнат ашёларига, шунингдек, қимматли буюмларга нималар кириши аниқ кўрсатилмаган.

Ҳар бир муайян ҳолда бундай ашёларга нималар кириши суд томонидан ҳал қилинади. Чунки бу тушунчалар нисбий бўлиб, маҳллий шароит ва вақтга қараб ўзгариши мумкин, амалиётда ҳамма вақт олтин, кумуш, платина ва бошқа қимматли металллар ва тошлардан қилинган зебу-зийнат асбоблар қимматли буюмлар жумласига киради. Эр-хотинни шахсий фойдаланишида бўлиши мумкин бўлган буюмларга нималар кириши масаласини кенг шарҳлаш мумкин эмас, бундай буюмларга зебу-зийнат ва қимматли ашёлардан ташқари уларни бири томонидан фойдаланадиган касбий меҳнат қуроллари (муסיқа қурол-асбоблари, кутубхона ва бошқалар) ҳам кирмайди.

Эр ва хотинга биргаликда тегишли бўлган мол-мулкларни бўлишнинг умумий қонидаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 216-моддасида белгиланиб, бу нормада кўрсатилишча, мулкдорларни ҳар бирининг мулкый ҳуқуқдаги улуши аниқланган ёки бундай улушлар аниқланмаган бўлиши мумкин. Уларнинг умумий мол-мулкларини бўлишда улар ўзаро келишилган ҳолда никоҳ шартномаси бўйича ёки бўлмаса, қонун асосида никоҳда турган даврларида ҳам, никоҳдан ажралганларида ҳам белгилаб олишлари мумкин. Эр-хотинларнинг умумий мол-мулкларини бўлишда уларни ўзаро розилиги томонларни талаби бўйича суд тартибида белгиланади. Айрим ҳолларда эр-хотинни умумий мулкни бўлиш уларни бирини вафотидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин. Никоҳ шартномасида белгилаб олинганган келишувга биноан, эр-хотинларнинг мол-мулки уларнинг бирининг вафоти натижасида иккинчи томонга яъни, эр ёки хотинга бутунлай ўтиши мумкин бўлади.

Умумий мол-мулкни бўлиш шартномаси оддимий ёзма шаклда бўлиши мумкин. Бу масалани кўришда шартнома тузиш масаласини кўришда эътибор бериладиган ҳолат шуки, агар бўлинадиган умумий мулк таркибига мулк бўлинаётган вақтда давлат томонидан рўйхатга олиш талаб этилса, у ҳолда мулкни бўлиш ҳақидаги шартнома шундай рўйхатга олиш содир этилгандан сўнг амалга оширилади. Масалан, эр-хотинни бирига умумий мулкни бўлиш шартномасига мувофиқ квартирага эгалик қилиш ҳуқуқи ўтади. Фуқаролик Кодексининг 111-моддасига мувофиқ мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтидан бошлаб бу мулкка мулк ҳуқуқи ўтади.

Умумий мулкни бўлишда эр ва хотинларни ўртасида келишмовчилик бўлса, суд мулкни таркибини ва томонларни ҳар бирининг мулк таркибини белгилаб низони бартараф этади, бунда агар эр ва хотин эр-хотинлик муносабатини амалда тугатиб қўйган

бўлиб, маълум вақт алоҳида яшаган бўлишса шу вақтда тўпланган мулкни суд бўлинган мулк деб топиши мумкин. Бўлиниши лозим бўлган умумий мулк таркибига вояга етмаган болалар манфаатига қаратилган мулклар, шунингдек вояга етмаган болалар номига қўйилган омонотлар ҳам кирмайди. Никоҳ шартномасига биноан ушбу мол-мулкларни эр-хотинлар ўро келишилган ҳолда тақисмлай олмайдилар. Юқорида кўрсатилганидек, томонларни ҳар бирини қисми белгиланади ва сўл томоннинг талабини ҳамда ишда тўпланган бошқа ҳолатларни эътиборга олиб томонларни ҳар бирига ашёлар аниқ берилишини белгилайди.

Бўлиш жараёнида у ёки бу мулкни амалда баб-баравар бўлиш имконияти бўлмай қолиши ҳам мумкин, масалан автомашина ёки бир хонали квартира, бу ҳолатларда суд пул ёки бошқа бадални белгилайди.

Эр ва хотиндан бири умумий мулкка нисбатан бегоналарча муносабатда бўлса, ёки уни оила мақсадини назарга олмасдан ўз хоҳиши билан иккинчи томонни розилигисз харажат қилиб юборган бўлса ёки уни беркитиш ҳоллари судда аниқланса, булиш вақтида шу мулкни қиймати суд томонидан эътиборга олинади.

Уч йиллик даъво муддатини ҳисоблаш эр ва хотинни умумий мол-мулкларини бўлиш талабларига нисбатан никоҳ тугатилганидан сўнг ўз ҳуқуқи бузилган шахс уни билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланиши керак.

Мулкни бўлишда томонларни ҳар бирига тегишли улуш ажартилади. Агар эр ва хотинни ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, уларни улушлари тенг деб ҳисобланади. Умумий мулкни тенг бўлишда эр ва хотинни қайси бири қанча ҳисса қўшгани таъсир этмайди.

Бироқ, маълум ҳолатлар мавжуд бўлганида суд тенг бўлиш тамойилидан чекланиши мумкин, бунга биринчи навбатда томонларни вояга етмаган фарзандларининг манфаатлари кўзда тутилади. Кўпинча бундай зарурат уйни бўлишда вужудга келади. Болалар манфаатларини ҳисобга олиб, суд мебел ва уй жиҳозларини бўлишда тенглик тамойилидан чекланиши мумкин. Агар эр ва хотинни бирон эътиборга лойиқ манфаати талаб қилинса, тенглик тамойилидан чекиниш мумкин. Бундай ҳодисаларни рўйхати янги қонунчиликда тўла белгиланган. Биринчи навбатда бу эр-хотинни бири узоқ муддат давомида узрсиз сабабларга кўра, даромадлар олмаган бўлса бу қоидани тадбиқ этишда жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Бир томондан меҳнатга нисбатан ўз қобилиятини эркин тасарруф этишлик ҳар бир фуқаронинг Конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Ҳеч ким меҳнат қилишга мажбур этилмайди ва меҳнат қилишдан бош тортгани учун жазоланмайди.

Эр ва хотинни биргаликдаги умумий мулкни бўлишда эр ва хотинни топган даромадларини ҳисобга олмаслик фавқулоддаги ноҳақлик бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда бу фактга нисбатан муносабатларини аниқлаб иш ҳолатларига объектив ёндошиб, ишни тўла ва холисона ўрганиб чиқиб ҳуқуқий баҳолаш лозим бўлади. Уларни умумий мулкларини томонлар оила манфаатларига зарар етказган ҳолда срафлаган бўлса, бу ҳолат мулкни бўлишда эътиборга олинади. Кўпинча бундай мулкларни сарфлашга томонлардан бирининг спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишига ружу қўйгани сабаб бўлади. Томонларни бирини оғир касал ёки ногиронлиги ҳам суд томонидан ҳиссалар тенг бўлмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Ҳиссаларни аниқлашда аввал идеал ҳиссалар, яъни ҳуқуқ – уй-жойни эгаллашда эллик фоиз, кейин эса эр билан хотинни ўз ҳоҳишларини ҳисобга олиб қайси ашёни кимга беришни ҳал қилади.

Агар томонлар ўзаро келиша олмасалар низо суд орқали ҳал қилинади. Бўлиниши лозим бўлган ашёлардан ташқари эр ва хотинларга тегишли бўлган нарсаларни талаб қилиш ҳуқуқи ва уларнинг умумий қарзлари ҳам бўлиши мумкин. Талаб этиш ҳуқуқи эр ва хотинларга тегишли бўлган қимматбаҳо қоғозларда акс этиши мумкин, мазкур мулкни активи таркибига қараб бошқа мулкдорлар қатори умумий қоидалар асосида бўлиниши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, никоҳ шартномаси тарафлар ўртасидаги мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Амалдаги Оила қонунчилиги эр-хотин ўртасидаги мол-мулкнинг қуйидаги шаклларини фарқлайди:

- эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки;
- эр-хотиндан ҳар бирининг хусусий мулки.

Эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулкига уларнинг никоҳ давомида орттирган мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунига қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонунда ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (яъни, эр-хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар) киради. Эр-хотиннинг

умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Яъни, эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган битими бошқасининг розилигига кўра амалга ошириладиганини англатади.

Шунингдек, оилада эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли мулк шакли ҳам мавжуд. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шу билан бирга улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошиб кетишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийм-бош, пойафзал ва шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олиган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки

ҳисобланади. Бу ҳолатлар оилавий-ҳуқуқий муносабатлардаги эр-хотин мол-мулкининг умумий манзарасини белгилаб беради.

Юқоридаги мулкӣ муносабатлар амалдаги қонунчиликка кўра, никоҳ шартномаси туфайли ҳам вужудга келмоқда.

Никоҳ шартномаси муносабатларининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам қамраб олинган. Хўш, никоҳ шартномаси туфайли тарафларда қандай ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади?

Эр ва хотиннинг биргалиқдаги мол-мулкни бекор бўлиш асосларидан бири бу – эр-хотин умумий мол-мулкни бўлиш ҳисобланади.

Эр ва хотин умумий мол-мулкни бўлиниши никоҳ даврида ҳам, никоҳ тугатилаётгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш икки усулда амалга оширилади:

- эр-хотиннинг келишувига кўра;
- мол-мулкни бўлишда низо келиб чиққан тақдирда, суд тартибида (бунда, эр-хотиндан бирининг, иккаласининг ёки эр-хотиндан бири кредиторининг талабига кўра).

Умумий мол-мулкни бўлиш юзасидан келишмовчилик бўлмаган тақдирда, эр ва хотин умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида келишув тузишлари мумкин. Қонун чиқарувчи бундай келишув шаклига талаблар қўймаган ва эр-хотинларга ўзларининг хоҳишлари бўйича келишув шаклини танлаш ҳуқуқини беради. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда бундай келишувнинг мазмунига оид шартлар белгиланмаган. Эр ва хотин умумий мол-мулкни тенг бўлишлари мумкин, шунингдек улушларнинг тенглиги принциpidан воз кечишлари ҳам мумкин. Бироқ, бундай ҳолатда учинчи

шахсларнинг манфаатлари бузилмаслиги керак, акс ҳолда учинчи шахсларнинг талабига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш суд тартибида амалга оширилади. Кўпинча эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш никоҳдан ажралиш билан боғлиқдир, лекин уникоҳ давомида ҳам, никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда турган даврида бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр-хотин томонидан улар никоҳда турган даврида орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр-хотин умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талаб билан судга уч йиллик даъво муддатининг ўтилишини ҳисоблаш никоҳ тугатилган вақтдан эмас, балки Фуқаролик Кодексининг 154-моддаси 1-қисмига мувофиқ ўз ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин уни билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр ёки хотинга унга қарашли улушдан аниқ қийматига эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин ёки эрга тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин. Масалан, агар эр ёки хотиндан бирига (кўпинча болалар кимга қолдирилишига қараб) умумий биргаликдаги уй ўтса, унда иккинчи тараф тегишли улушни пул шаклида олиши мумкин. Ушбу ҳолатда эр ёки хотиннинг касбий фаолияти учун зарур ашёлар (муסיқа асбоблари, шифокорлик

жиҳозлари ва шу кабилар) ни ҳам бўлиши мумкин, агар улар никоҳ давомида орттирилган ва биргаликдаги мол-мулк бўлиб ҳисобланса.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврида орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойафзал, мактаб ва спорт жиҳозлари) бўлинмайди ҳамда болалар, эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса унга компенсациясиз берилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонотлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Умумий мол-мулкни бўлишда учрайдиган долзарб масалалардан бири, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушларини аниқлаш ҳисобланади. Бундай бўлиш нафақат никоҳдан ажратишда, балки уни сақлаб қолишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, у қуйидаги ҳолларда келиб чиқади:

- эр ёки хотиндан бирининг шахсий қарзларини ундиришда;
- улардан бири томонидан жиноят туфайли етказилган зарарни ундиришда;
- шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар бўйича.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади. Бунда эр-хотиннинг қайси бири қанча ҳисса қўшганлиги таъсир етмайди. Айрим ҳолларда суд тенг бўлиш тамойилидан чекланиши мумкин. Масалан, вояга етмаган болалар манфаатини ҳисобга олиб, суд мебель ва уй жиҳозларини бўлишда тенглик тамойилидан чекланади. Шунингдек, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд умумий мол-мулкни оила

манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса ҳам тенглик тамойилидан чекиниши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақисмланади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддасига мувофиқ, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлинганида, уларнинг ҳиссалари тенг ҳисобланади.

Айрим ҳолларда суд вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ёки эр-хотинлардан бирининг эътиборга сазовор манфаатларини ҳисобга олиб, эр-хотинга тегили ҳиссани тенг қидиб белгиламаслиги ҳам мумкин. Эр ва хотиндан бирининг ҳиссаси алоҳида ҳолларда, жумладан, эр ёки хотин ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаган ёхуд умумий мулкни оила манфаатларига зид тарзда сарфлаганида кўпайтирилиши мумкин. Улардан биттаси ёки иккаласининг талабига мувофиқ бу мулкни бўлиш вақтида умумий мулкдаги эр ва хотиннинг ҳиссаси аниқ ажратиб кўрсатилади. Бу мулкдаги ҳисса тўғрисида улар ўртасида низо бўлмаса, алоҳида ашёларга бўлган ҳуқуқни белгилаш масаласи уларнинг ўзлари томонидан ҳал қилинади.

Болаларнинг ота-оналардан қайси бирида қолиши аниқ бўлиши лозим. Зеро, мулкни бўлишда суд умумий мулкдан эр хотиндан қайси бирига у ёки бу ашёни ажратиб бериши, агар уни натура шаклида бўлиши мумкин бўлмаса, у болаларни келажакда тарбиялашни ўз зиммасига олган томонга берилиши лозим. Чунки, унда албатта тегишли моддий шароит бўлади.

Никоҳ шартномаси бўйича мулкни бўлишда аввало эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинган бўлади. Шундай ҳолларда улар ўртасида мулк тенг ҳиссада бўлинса, эр хотиндан биттасига қиммати бошқасига тегишли бўлган мулкдан

ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқ доирасида тегишли пул суммаси берилиши лозим, қонун судни масалани бундай асосда ҳал қилишга мажбур этмайди.

Пул суммасини ундириб бериш масаласини кўраётган суд ишни аниқ шароитга қараб (эр-хотиндан ҳар бирининг моддий ва бошқа оилавий ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қилади. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргаликдаги умумий мулк таркибига кирган уйнинг қисми учун пул тўлаш белгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.

Мулкдор ўз мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Агар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки никоҳдан ажралиш вақтида бўлинмаган бўлса, бунда эр-хотиндан бири амалда фақат мулкка нисбатан эгаликдан маҳрум бўлмасада, ундан фойдалана олмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, ажралиш эр-хотинларга ёки улардан бирига қонуний ҳуқуқни амалга оширишга муқаррар равишда таъсир қилиши мумкин. Бу тўғрида у билганлиги учун, эр-хотинларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддати никоҳ тугаган вақтида, ажралиш Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтариди рўйхатга олингандан сўнг, ҳисобланиши лозим.

Эр-хотиндан бириниг қарзи учун ҳақ унинг ўз шахсий мулкидан, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлмаганида эса унга тегишли бўлган ҳиссадан ундирилиши мумкин.

Умумий қарз эр-хотиннинг иккаласи ёки улардан биттаси (иккинчи томон билан келишилмаган бўлса-да) ёки бутун оила манфаатларига қаратилган бўлади.

Шахсий қарзлар эса бундай белгиларга эга бўлмайди, қарзлар бўйича жавобгарлик эр-хотиннинг умумий мулкни бўлишда, ундан ташқари ҳам бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари ҳаракатлари туфайли зарар кўрган томонинг талаби эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундирилишини алоҳида тури ҳисобланади. Ота-оналарнинг моддий жавобгарлик масаласи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари асосида ҳал қилинади.

Келтирилган зарарни эр-хотиндан биттасининг хусусий мулкидан, шунингдек уларнинг биргаликдаги умумий мулкидан ундириш ҳам мумкин бўлади. Масалан, агар эр-хотин қайд этилган никоҳда бўлиб, алоҳида яшаётган бўлсалар, уларнинг вояга етмаган болалари моддий зарар келтирса, бу ҳолат улардан бирининг айби билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг хусусий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулкидан ҳам ундирилиши мумкин бўлади. Бироқ, эр-хотиннинг никоҳдан ажралиб, алоҳида яшаши ёки ота-оналарнинг болалари алоҳида яшаши эр-хотиннинг ёки улардан бирининг вояга етмаган ўз болалари келтирган зарарни қоплашдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Агар ушбу масалалар юзасидан низо келиб чиқса, суд бола келтирган зарар учун ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам жавобгар қилиб, етказилган моддий зарарни уларга тўлатиши мумкин. Аксарият ҳолларда эса бола келтирган зарар учун бола билан бирга яшаётган ота ёки она жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланган мулкдан ҳақ ундиришга, улардан биттаси томонидан содир қилган жиноят туфайли келтирилган зарарни ундиришга, агар бу мулк жиноят содир қилишда айбланган эр ёки хотиннинг айбдорлиги жиноят иши бўйича суднинг ҳукми аниқланган бўлса йўл қўйилади.

Зарарни ундириш тўғрисидаги даъвони кўраётган суд эр-хотиндан ҳар бирига келтирилган зарарнинг аниқ миқдорини белгилаш масаласини ҳал қилади.

Суд бундай ишларни кўришда, авваломбор, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларига мурожаат қилиб, аввало, ушбу мулкни биргаликдаги эр-хотиннинг мулкдаги тегишли қисмини аниқлаб қарздорга тегишли бўлган мулкни белгилаб беради. Шундан сўнг, агар бунга етарли асос бўлса, иккинчи томонга тегишли мулклар хатдан чиқарилади.

Ҳозирги кунда, бозор иқтисодиёти шароитида эр-хотинлар ўртасида хусусий мулк ва мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган масалалар айниқса, кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддаси 2-қисмига мувофиқ, никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Мисол тариқасида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, эр-хотинларнинг биргаликда яшаш давомида эр-хотинлардан бирига, яъни фуқаро Маматова Наргизага Тошкент шаар Акмал Икромов тумани, Басористон кўчаси, 9-уй ота-онасидан мерос тариқасида ёлган. Ушбу мерос тариқасида ёлган уйга эр-хотин Маматовлар ўзларининг биргаликдаги умумий мулкларидан уйни ёйта жиҳозлаш, капитал таъмирлаш ва ушбу уйга бир неча уй учун зарур бўлган рўздор ашёлари ва мебелларни харид ёлганлар. Орадан 5-6 йил ўтганидан сўнг, эр-хотинлар ўртасида ушбу уй юзасидан низо келиб чиққан. Ва натижада эр Маматов Мансур ушбу уйга нисбатан унда сам мулк суёуёи мавжуд эканлигини ва уни симоя ёилишни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат ёлган. Ушбу низо ни сал ёилишда Тошкент шаар, Акмал Икромов тумани феуаролик ишлари бўйича туманлараро судининг судьяси Ўзбекистон

Республикасининг Фуєаролик кодекси, Оила кодекслариға биноан низони сал еилган, Маматова Наргизаға мерос тарисасида еолдирилган уй-жойни умумий биргаликдаги мулк деб топган¹.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан, эр-хотин бири-бирига моддий ёрдам бериб туришга мажбур. Бундай ёрдам беришдан бош тортган тақдирда, моддий ёрдамга муҳтож бўлган, меҳнатга лаёқатсиз, эр ёки хотин таъминот (нафақа) беришга қодир бўлган хотини ёки эридан, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва бола туғилганидан кейин бир ярим йил мобайнида нафақа бериши қодир бўлган эридан суд орқали таъминот олиш ҳуқуқига эга. Никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам бу ҳуқуқ сақланиб қолинади.

Эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсизлиги ва муҳтожлиги никоҳдан ажралгандан сўнг иккинчи томондан моддий таъминот ундирилиши учун асос бўлиши мумкин. Қонун, бунда иккинчи томонда бундай моддий таъминотни тўлаш имконияти бор-йўқлиги масаласини эслатиб ўтмайди. Бироқ, бу қоида, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига берилганидек, эр ва хотиннинг мажбурияти ҳисобланиб, никоҳдан ажралгандан сўнг бошқа томонга берилиши лозим бўлган моддий таъминот мажбурияти, агар муҳтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсизлиги никоҳдан ажралгунга ёки никоҳдан ажралгандан сўнг бир йил давомида вужудга келса, пайдо бўлади. Бунда қонунда кўзда тутилган тартибда никоҳдан ажралиш тушунилади.

Агар эр билан хотиннинг никоҳ муносабатлари узоқ вақт давом этган бўлса, бу ҳолат муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин учун иккинчи томондан моддий таъминот олиш учун асос бўлади. Агар эр ёки никоҳдан ажралган вақтдан бошлаб беш йил мобайнида пенсия ёшига

¹Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани фуєаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2002 йил 30 сентябрда чиқарган сал еилув еарори.

етган бўлса, суд ажралган эр ёки хотин учун нафақа ундириб бериши мумкин.

Никоҳ муносабатлари сақланган ҳолда бўлгани каби, хотин никоҳдан ажралгандан кейин ҳам ҳомиладорлик даврида ва бола туғилганидан сўнг бир йил давомида унинг эридан никоҳ шартномасида белгиланиб олинган, белгилаб олинмаганидан қатъий назар, эрдан модий таъминот олиш ҳуқуқи сақланади (бунда ҳомиладорлик ажралгунга қадар вужудга келган бўлиши лозим).

Эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағининг миқдори суд томонидан таъминот тўловчининг ва олувчининг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Аксари ҳолларда эр-хотин никоҳ шартномасини нотариал тартибда тасдиқлаган бўлсалар ва унда эр-хотиннинг ўзаро алимент ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олган бўлсалар, ушбу никоҳ шартномасига биноан алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳал қилиниши мумкин¹.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишини ҳисобга олиб, эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида нафақа тўлаш тўғрисида келишув бўлмаган ҳолларда, эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд йўли билан ундириб бериладиган нафақа миқдори суд томонидан эр ёки хотин (собиқ эр ёки хотин)нинг моддий ва оилавий аҳволидан ҳамда томонларнинг бошқа эътиборга олинаши лозим бўлган манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар ойда тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Нечаева. А.М. Семейное право. Курс лекций. М., "Юрист", 1998 йил. с.45.

Эр ёки хотинга нафақа умуман яшаш учун маблағ бўлмаганда, шунингдек маблағи бўлса ҳам, муҳтож бўлса тайинланиши мумкин.

Нафақа тўловчи ёки оловчи эр ёхуд хотиннинг моддий ва оилавий аҳволидаги ўзгариш уларнинг ҳаётига муҳим таъсир этиши мумкин. Бу эса манфаатдор эр ёки хотин судга мурожаат этиб, нафақа миқдорини ўзгартириш ёхуд уни камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Эр ёки хотинни таъминот бериш мажбуриятдан озод қилиш ёхуд бу мажбуриятини маълум муддат билан чеклашга суднинг ҳал қилув қарорига асосан йўл қўйилади. Суд ҳал қилув қарорини чиқаришда:

- никоҳда қисқа вақт турган бўлсалар;
- ўзига нафақа талаб қилаётган эр ёки хотин оилада ўзини номуносиб тутган бўлса;
- агар ёрдамга муҳтож эр ёки хотин спиртли ичимликлар, наркотик моддаларни истеъмол қилиш ёки қасддан жиноят содир этиб уч йилдан кам бўлмаган муддатга суд органи томонидан ҳукм қийинган бўлса, бундай ҳолатларни назарга олиши мумкин. Эр ёки хотинни таъминот олишдан озод этиш ёки бу мажбуриятни муддат билан чеклаш учун юқорида келтирилган шартлардан биттаси бўлиши лозим¹.

Аммо бундай ҳолатлар маввжуд бўлганда, ҳам ҳар бир ҳолатда суд ишнинг аниқ ҳолатига қараб даъвони қондириши ёки уни рад этиши мумкин.

Масала никоҳда бўлиш муддатининг узоқ ёки қисқалигига қараб суд томонидан ҳал қилнади. Эр ёки хотиннинг оилада ўзини номуносиб тутганлигини аниқлаш ҳам судга тегишли бўлиб ҳисобланди. Шу мақсадда бошқа томон бу шароитни исботлаши лозим. Шу мақсадда

¹ Ф.М.Отахўжаев. Хотин-сизлар ва болаларнинг суёсуларига оид сонун кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 2000 йил.

хужжатлардан фойдаланиш мумкин (масалан, суд ёки бошқа органларнинг қарорлари, тавсияномалари ва бошқалар). Шунингдек эр ёки хотиннинг номуносиб ҳулқини тасдиқлайдиган фактлар ва бошқа исботлар талаб этилади. Қонун номуносиб ҳулқ-атвори фақат никоҳ тугалланганига қадар ва никоҳдан кейин ҳам меҳнатга лаёқатсизлик ёки муҳтожлик вужудга келиши мумкин.

Эр ёки хотинни моддий таъминот бўйича нафақа олиш ёки бериш мажбурияти, нафақа ундириш учун зарур бўлган шароитлар тугаши билан: эр ёки хотиннинг меҳнатга қобилияти тикланиши (агар меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик туфайли содир бўлган бўлса) муҳтожлик тугаши (масалан, давлатдан пул ёрдамини олиш, пенсия, мерос олиш ҳамда бошқа манбалардан яшаш учун маблағ олиш туфайли; нафақа олаётган томоннинг катта пул ютуғи олиши) билан, шунингдек, нафақа тўловчи томоннинг моддий таъминот бериш имконияти бўлмайд қолиши билан тугайди.

Никоҳдан ажралиб нафақа олаётган шахснинг янги никоҳга ўтиши ҳам нафақа тўлашнинг тугашига асос бўлади. Чунки никоҳга ўтиш муносабати билан у иккинчи томонга моддий таъминот бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.Никоҳ шартномасининг шахсий-ҳуқуқий оқибатлари

Оила қонунчилигидан маълумки, эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари икки асосда вужудга келади:

1. Қонун асосида;
2. Шартнома асосида;

Қонун асосида вужудга келадиган мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига эр-хотинларнинг умумий мулки, уларнинг ҳар бирининг хусусий мулк ҳуқуқларини тушунамиз. Шартнома ҳуқуқи

асосида вужудга келадиган мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларига эса эр-хотиннинг никоҳ шартномаси асосида белгилаб олинадиган ва уларнинг ҳар бири томонидан келгусида эркин тарзда эгалланадиган, фойдаланиладиган ва тасарруф этиш ҳуқуқини белгилаб олишларини тушунамиз.

Биринчи навбатда шу ерда шартнома сўзича таъриф бериб ўтсак. Шартнома деб икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириши, ўзгартириши ва бекор қилишига айтилади¹.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади? Эр-хотинлар қачон умумий мол-мулкка эга бўладилар-у, қачон эса хусусий мулкка? Эр-хотинларнинг умумий ва хусусий мулклари ўртасида қандай фарқ бор?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибига киради.

Эр-хотинларнинг умумий биргаликдаги мулкига қуйидагилар киради, яъни эр ва хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулклар, эр ёки хотиннинг интеллектуал фаолияти натижаларидан, тадбиркорлик фаолиятидан-ми ёки бўлмаса бошқа пул тўловларидан олинган маблағлар (корхоналар ёки ташкилотлар томонидан ходимнинг вақтинчалик касал бўлганлигида тўланадиган пуллар, моддий жиҳатдан қийналаётган ходимга тўланадиган моддий ёрдам суммаси ва ҳ.к.лар).

¹ S.Pasmoneulov. Олди-сотди шартномаси. Т. "Адолат", 2000 йил.

Қонун шуни назарда тутадикки, эр-хотиннинг биргаликда яшашлари давомида омонот кассаларига қўйилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар кимнинг номига расмийлаштирилган бўлишидан қатъий назар, уларнинг умумий биргаликдаги мулкини ташкил этади. Ҳаёт тақозоси, турмуш юмушлари билан бўлиб эр ёки хотин оиланинг, рўзғорнинг даромадида иштирок эта олмаслиги мумкин. Мана шундай ҳолатда ҳам эр ёки хотин томонидан топилаётган даромад уларнинг умумий биргаликдаги мулки таркибига киради.

Юқорида биз эр-хотинларнинг умумий биргаликдаги мулклари хусусида фикр баён қилдик. Қисқа қилиб, эр-хотинларнинг хусусий мулки хусусида маълумот бериб ўтсак.

Эр-хотиннинг ҳар бирининг хусусий мулки деганда, авваломбор эр-хотинларнинг никоҳ давомида, никоҳ давлат рўйхатида қайд этилгунига қадар уларнинг ҳар бирига ҳадя, мерос тариқасида берилган мол-мулклари (кўчар ёки кўчмас мол-мулклар) уларнинг ҳар бирининг хусусий мулки таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Энг муҳими, хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, эр-хотинлар ўзларининг хусусий мулкларига қандай эгалик қилиб, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар?

Демак, шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлган киритган мол-мулки унинг хусусий мулки бўлиб ҳисобланади. Эр-хотинлар ҳам уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулкидан эмин-эркин ўзи хоҳлаганча фойдаланиб, эгалик қилиб, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Аксарият ҳоллар бўйича эр-хотиннинг хусусий мулки

уларнинг умумий мулкининг объектига айланиб кетиши ҳам мумкин. Масалан, эр ёки хотинга мерос, ҳада тариқасида кўчар ёки бўлмаса кўчмас мол-мулк ўтган (уй, автомобиль, дала ҳовли ва бошқалар), эр-хотинларнинг турмуш қуриб яшаётганларига 10 йил бўлган. Мана шу давр мобайнида ушбу уйнинг, автомобилнинг, дала ҳовлининг илгариги нархидан анча баробарга ошиб кетган бўлса ёки ушбу уй, дала ҳовли, автомобиль қайта таъмирланган бўлса ва умумий маблағ ҳисобидан ушбу ишлар амалга оширилса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг хусусий мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Қонунчилик ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ривожланиш, тараққиёт, эркин хўжалик юритиш натижасида ҳар бир шахсда мол-мулк топиш, бойиш имконияти туғилмоқда. Юқорида айтганимиздек, мулк ҳуқуқи - бу конституцион ҳуқуқдир. Демак, мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил қилувчи мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам ўша шахсда, ўша мулкдорда вужудга келади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, демак, оилада эр-хотиннинг умумий биргаликдаги ҳам, ҳар бирининг алоҳида хусусий мулки ҳам, хатто болаларнинг, шу жумладан фарзандликка олинган болаларнинг ҳам мулки бўлиши мумкин.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигининг руҳидан келиб чиқадиги, шахсий-номулкий ҳуқуқлар деганда, бу шахсдан ажратиб бўлмайдиган, ундан бегоналаштириб бўлмайдиган, учинчи шахслар томонидан ўзлаштирилмайдиган ҳуқуқлар мажмуи тушунилади. Кишининг шаъни, кадр-қиммати, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи кабилар шахсий-номулкий ҳуқуқлардир. Улар шахс туғилгандан бошлаб ёки қонунга мувофиқ олган пайтидан бошлаб тартиб олинмайди ёки бошқача усуллар билан

Ўзга шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий-номулкий ҳуқуқлар қонунда назарда тутилган оларда ва тартибда бошқа шахслар, жумладан, мазкур ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.

Халқимизда доно бир нақл бор: "қорнимга эмас, қадримга йиғлайман". Жуда ҳам топиб айтилган гапда. Бугунги кунда сир эмаски, фуқароларнинг моддий ҳуқуқлари қолиб, уларнинг шахсий-номулкий ҳуқуқларига аёвсиз зиён-заҳмат етказилмоқда. Бу ҳолат билан асло келишиб бўлмайди. Зеро, мамлакатимиз Асосий қонуни - Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиб, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Аммо, афсуслар бўлсинки, ижтимоий турмуш, ҳаёт шиддат билан ўтмоқда. Ўзбекистоннинг мустақиликка эришуви унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига олиб келганлиги муносабати билан жамият қонуниятлари ҳам юртимизга кириб келмоқда. Албатта, бу табиий ҳол. Аммо, хориж ютуқларини, қадриятларини кириб келиши миллий дунёқарашни, минталитентни, миллий ўзликини "супуриб ташлаш" эвазига бўлмаслиги керак.

Биз ҳоҳлаймизми - йўқми бу ҳолат, яъни, субъектив ҳолатлар юз бермоқда. Тўғри, қонунчилик органи бу ҳолатга бефарқ қараб тургани йўқ. Шахсий-номулкий ҳуқуқлар бузилганида бир қанча усул ва воситалар билан ҳимоя қилинади. Жумладан, Фуқаролик кодексига кўра, бузилган ҳуқуқлар қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

- шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

- бурчни аслича (натура ҳолида) бажаришга мажбур қилиш;

- зарарни тўлаш;

- неустойка ундириш;

- маънавий зиённи қоплаш;

- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги кабилар.

Булар орасида фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, амалдаги қонунчилик фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўяди. Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши, ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Шунингдек, кишининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳам алоҳида норма сифатида қайд қилинади. Унга кўра, фуқаро ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақлидир. Бу ҳолатни сўнги пайтларда аҳён-аҳёнда бўлса-да, матбуотда учратиб қолмоқдамиз.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаън ва кадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл

қўйилади (яъни, ваофт этган шахснинг қонуний вакиллари - оналари, фарзандлари, фарзандликка олинган болалари, васийлари ва ҳомийлари).

Фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар қайси оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айнан ушбу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Яъни, дейлик, маълумот "Халқ сўзи" газетасининг иккинчи саҳифасида 0,2 босма табоқ ҳажмида берилган бўлса, раддия ҳам ушбу нашрда ўша саҳифада, шунча ҳажмда берилиши лозим.

Агар бундай маълумотлар ташкилотнинг ҳужжатларида учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши лозим бўлади.

Бошқа ҳолларда эса раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Шунингдек, фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда, у айнан ўша оммавий ахборот воситалари оорқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Агарда суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди. Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Шу ўринда икки оғиз маънавий зарар хусусида. Амалдаги Фуқаролик қонун ҳужжатларига илк бор янги ҳуқуқий институт - маънавий зарарни қоплаш институти киритилди. Хўш, маънавий зарар

нима? Унинг моддий зарардан фарқи нимада? Маънавий зарарни ўлчов мезонлари нимада? - каби табиий саволлар туғилади.

Маънавий зарар фуқарога ўзга шахслар томонидан етказилиб, бу туфайли шахс маънавий азоб-уқубат чекади, унга руҳий зарба етади, кўнгли чўкади. Тўғри, бундай руҳий изтироб чекиш турли кишиларда турлича бўлади. Қолаверса, маънавий зарар етказилган жой, аудитория сони, яъники, ушбу ҳолат кимларнинг ва неча кишининг кўз ўнгида юз берди, буларга ҳам боғлиқ. Айни вақтда, маънавий зарар кўрган шахснинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Маънавий зарар гарчи моддий кўринишда учрамасада, уни қонунчилик пул билан қоплашни назарда тутди. Бунда маънавий зарарнинг суммаси жабрланувчига етказилган жсимоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб, товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Тўғри, зарар суммасини белгилаш фуқаровий даъвогарнинг ўзига боғлиқ. Аммо, ишни мазмунан кўриб, ҳал қилаётганда суд оқилоналик ва адолатлилика асосланиши лозим. Яъни, судда процесс иштирокчиларининг позицияси, айниқса, даъвогарнинг даъвосини қўллаб-қувватловчи далил, ашёларнинг етарлилиги, гувоҳларнинг асосли кўрсатмалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, суд маҳкамалари бундай туркумдаги ишларни кўраётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 26 апрелдаги "Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ бўлган ишлар тўғрисида"ги қарори¹га ҳам эътибор беришлари лозим бўлади.

Айни вақтда, масаланинг нозик томони шундаки, қонунчиликнинг умумий руҳидан бундай туркумдаги ишларни кўриш давомида зарар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси - "Сонун номи билан", 2000 йил, 2-сон.

етказувчи шахснинг мулкӣ аҳволига ҳам эътибор бериш лозимлиги сезилади. Аммо, бунга бир қатор цивилист олимлар, чунончи, И.Б.Зокиров¹, М.Сафаева²лар қарши фикр билдирадилар. Бизнингча ҳам, мазкур олимлар томонидан қўйилаётган масала ўринлидир. Чунки, қоунчилик белгилаганидек, агарда бундай туркумдаги ишларда жавобгарнинг мулкӣ аҳволига эътибор бергудек бўлсак, бундай ҳолда, қонун бузилиш ҳоллари аёвсиз авж олиб кетган бўлар эди. Мисол учун, зарар етказувчи шахс кимнидир ҳақорат қилади, бу тўфайли бошқа бир шахсга маънавий зарар етади. Аммо, иш ҳолатларидан маълум бўлмоқдаки, жавобгарнинг мулкӣ аҳволи у даражада эмас экан. Суд бу ҳолатни инобатга олиб, жавобгарнинг маънавий зарар етказганлик учун моддий тўлов миқдорини сезиларли даражада камайтирмоқда. Бу қайсидир маънода, мазкур "тоифа" жавобгарларни "ўзига хос рағбатлантирмоқда".

Шуниси муҳимки, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъий назар қопланади.

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар, қўйидаги ҳоларда қопланади:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиши, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиши ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриши натижасида етказилган бўлса;

¹ И.Б.Зокиров. Сонунларимизнинг маънавий сарчашмаси.//Демократик ислохотлар китобида.

² М.Сафаева. Маънавий зарар: кеча, бугун ва эртага.//Инсон ва сонун. 2001 йил, 15 март.

- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса.

Бизга шу вақтгача маълумки, шартномалар икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги келишувлар ҳисобланади. Айни вақтда, шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг қурилмаси сифатида қаралиб келинди. Буни тўғри тушуниш керак, албатта. Бир вақтлар маъмурий буйруқбозлик тизимининг ричаглари ҳисобланган план, наряд, лимит кабилар ўрнига тарафлари ўз эрк-иродаларини эркин ифода этадиган шартномалар тизими фақат ижобий характерга эгадир. Чунки улар бир томонлама аҳамият касб этарди.

Ривожланиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш бугунги кун тартибига шартномавий муносабатларни тобора кенг қўймоқда. Не бахтки, ушбу қоидалар оилавий-ҳуқуқий муносабатларга ҳам кириб келди. Шу пайтгача биз билардикки, оилавий ҳуқуқий муносабатлар асосан қонун ҳужжатлари билан тартибга солинарди. Эндиликда эса, ушбу соҳага ҳам шартномавийлик кириб келди. Шунингдек, "ўзимизнинг" маҳаллий урф-одатлар ҳам аста-секинлик билан қонун даражасига кўтарилмоқда...

Никоҳ шартномасида бир неча деталлар эътибор талаб. Чунончи, биринчидан, ушбу шартноманинг тарафлари оддий фуқаролик муомаласидаги каби барча фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлмай, балки фақат никоҳга кирувчи шахслар ёки эру-хотинлар бўлиши мумкин. Шунингдек, улар шартнома тузишдек фуқаролик-ҳуқуқий лаёқатига ҳам эга бўлишлари керак. Яъни, тўла муомала лаёқатига эга бўлишлари, ҳақиқий юридик оқибатни кўзлаб, тегишли шаклда шартномавий муносабатга киришишлари лозим. Иккинчидан, шартнома никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда

бўлган даврида ҳам, шунингдек улар никоҳдан ажратилган тақдирда ҳам амал қилувчи ҳуқуқий восита (механизм) ҳисобланади. Шу маънода савол туғилади: хўш, никоҳ шартномаси ўзи нима учун керак? Қайсидир маънода бундай саволлар билан мурожаат қилувчиларнинг иддаоларига кўра, никоҳ шартномаси гўёки қачондир никоҳ шартномаси тугатилади-ю, тарафлар бу ҳақда ўзаро келишиб оладилар, яъни никоҳнинг тугатилишига кафолат ҳам (!) дейдилар. Уларнинг фикрида ҳам бир томондан жон бор. Яъни, ҳар бир нарсанинг, шартномавий муносабатнинг ҳам ибтидоси, интиҳоси бор. Одатдаги, фуқаролик муомаласидаги шартномалар таърифида ҳам ёдингизда бўлса, "икки ёки ундан ортиқ тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги келишуви" шартнома ҳисобланади. Унда ҳам шартномани "бекор қилиш" хусусияти алоҳида кўрсатилади. Демак, улар ҳам қайсидир маънода ҳақ. Лекин бизнинг шароитимизда шуни ҳисобга олиш керакки, тўй маросими ҳаддан зиёд серҳашам бўлади, сарполар беришда ҳам тан олиш керакки, қайсидир томон кўпинча кўпроқ сарпо қилади, қайсидир томон камроқ. Бу-ку яхши-я, аммо афсусларки, тўй оқшоми ўтгандан кейин гўшангадан "йиғлаб чиққанлар" ҳам йўқ эмас... Ана ундан кейинги томошани кўринг. Бу ерда ёшларнинг бутун бошли тақдири, истиқболи қолиб, катталар (асосан, ота-оналар) мол-мулк талашадилар. "Мол аччиғи, жон аччиғи" деб бежиз айтмаган экан, халқимиз. Шундай талашиадики, бироз муқаддам қарор топган самимий, меҳрга йўғрилган муносабатлар ўрнини нафрат ва ғазаб туйғулари эгаллайди. Энди бир танамизга ўйлаб кўрайликчи, мана шундай ҳолда тарафларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган, нотариал гувоҳлантирилган никоҳ шартномаси асқотмайди-ми?

Ана шу ўринда никоҳ шартномасининг учинчи бир хусусияти, жиҳатиға тўхталамиз. Яъни, Ўзбекистонда никоҳ шартномаси фақат мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашға қаратилади. Оила ва фуқаролик қонунчилигидан маълумки, оиладги эр-хотинларнинг мол-мулки улардан ҳар бирининг мулкидан, шунингдек умумий биргаликдаги мулкидан иборат. Аммо, улардан ҳар бирининг мулки бўлган мол-мулкнинг ҳуқуқий режими, реализацияси юқорида айтганимиздек, етарлича муаммолар туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам никоҳ шартномасининг кўпроқ ижобий жмҳатларига тўхталишимиз лозим. Никоҳ шартномаси тарафларнинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Шу ўринда айтмоқчимизки, қонун чиқарувчи орган Ўзбекистон фуқароларига бир пайтнинг ўзида ҳам ҳуқуқлар беради, ҳам мажбуриятлар юклайди. Цивилист олимлар фикрига қўшиладиган бўлсак, бу – ҳуқуқдорлик ва бурчдорликнинг ўзаро нисбатидан келиб чиқади. Шу маънода қонунчилик никоҳ шартномасининг ҳам нормал ҳолатда тузилишини нормалайди. Бошқа ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ бизда никоҳ шартномаси фақат мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларга қаратилган. Бу ўринда машҳур Голливуд актёри Майкл Дуглас шартномасини эслатиш кифоя.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, никоҳ шартномаси судлар томонидан эр-хотинлар ўртасидаги юзага келаётган мулкый низоларни ўз вақтида, тўла ва ҳар томонлама ҳал қилишда жуда яхши далил бўлур эди. Аммо, шартнома тузиш эркинлигидан келиб чиқиб, ушбу шартномавий тартиб мажбурий эмаслигини ҳам эслатамиз.

ХУЛОСА

Аввалбошда айтганимиздек, ҳар бир ишнинг ибтидоси ва интиҳоси бўлганидек, мана, ишнинг асосий мазмунига хотима ясаб, унинг хулоса қисмига ҳам етиб келдик.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён, ўз олдида сиёсатда кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни, иқтисодиётда турли мулк шаклларида асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, шу маънода давлат бунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилишини кафолатлайди. Маънавий соҳада эса ҳақиқий истиқлол қурувчисини, бунёдкорини, яъни комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Ушбу стратегик вазифаларни амалга ошириш соҳасида бир қатор ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий турмуш тобора эркинлаштирилмоқда. Тўғри, ислоҳатларни ҳуқуқий таъминламасдан туриб, бирон нарсага эришиш қийин. Бўлиб ҳам бизга ўхшаган собиқ тоталитар тузумдан ва авторитар режимдан чиққан ёш мустақил давлатларда. Мана, ўн олти йилдирки, бу фаолият, яъни ислоҳатларни ҳуқуқий таъминлаш, қадам-бақадам амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оила йилида содир бўлган энг муҳим воқеалардан бири – бу янги Оила кодексининг қабул қилиниши бўлди. Бу Кодекс йирик қонуний акт ҳисобланиб, у оиланинг, асосан болалар ва аёллар ҳимоясига қаратилган.

Шарқда аёлларга ҳамиша алоҳида эътибор бериб келинган. Ҳукумат ҳозирги вақтда аёлларнинг ижтимоий муҳитдаги, таълим

олишдаги, меҳнатдаги, шунингдек жамиятдаги ўрнини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмақда.

Янги Оила кодекси давлатнинг оила манфаатларига, оналикни ҳимоя қилишга, оталикни ва фарзандликни ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни тасарруф этишни мувофиқлаштирди. Ҳаммага маълумки, никоҳланувчилар бахтли бўлиши учун, меҳр-оқибат билан бирга, яна моддий таъминот ҳам зарур. Фарзандлар тарбияси оила аъзоларининг мулкӣ ҳолати, маиший эҳтиёжлар, уй хўжалигини юритиш, моддий харажатларни талаб қилувчи муносабатлар мулкӣ муносабатларни ташкил қилади.

Эр-хотинларнинг мулкӣ муносабатлари янги Оила кодексидан бир қатор ўзгаришлар билан илгари сурилди. Кодексдан эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатлар икки гуруҳга бўлинган. Булар қуйидагилардир:

эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари;

эр-хотинларнинг алимент билан боғлиқ ҳуқуқӣ муносабатлари.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 5-боби эр-хотинларнинг қонуний режими билан белгиланувчи мулклар ва шартномавий режим билан белгиланувчи мулкларни ўз ичига олувчи нормалардан ташкил топган эр-хотинларнинг мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатларини белгилаб беради.

Қонуний режим деганда, эр-хотинларнинг биргаликдаги мулклари режими тушунилади. Биргаликдаги мулкни эр-хотинларнинг никоҳ даврида топилган ва уларнинг ҳар қайсиси эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш борасидаги тенг бўлган мулклар тушунилади. Бунда мулк кимнинг номида эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Умумий мулкка нисбатан ҳар икки томон, гарчи улардан бири мол-мулк топишда бирон жойда ишламай, уй ишлари билан машғул бўлган, фарзандларини тарбиялаган, беморга қараган, қари ота-

онасини парвариши билан шуғулланган бўлса ҳам, тенг ҳуқуқли ҳисобланадилар. Бу ҳолат кўпроқ аёлларда учрайди.

Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги Конституциявий тамойил оилавий муносабатларда ҳам белгиланган бўлиб, унда эр ва хотин тенг равишда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги кўрсатилган.

Эр-хотин мулкининг қонуний тартиби кўпчилик эр-хотинларнинг қизиқишига жавоб беради. Кўпчилик аёллар фарзандлар тарбиясини, уй ишларини муҳим ҳисоблаб, асосан у билан машғул бўладилар. Бундай ҳолатда қонуний тартиб умумий мулкдаги хотиннинг ҳиссасини белгилаб беради ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Кўпчилик ҳолатларда вояга етмаган фарзанд манфаатлари ётганда суд эр-хотинни ажратишда мол-мулкни бўлишнинг тенглик тамойилидан четга чиқиши мумкин.

Фарзанд учун лозим бўлган ашёлар (муסיқа асбоблари, таълим олишлари учун лозим бўлган ашёлар ва бошқалар) фарзандни ўзида олиб қолган эр ёки хотинга ўтказилади.

Агар эр-хотинлардан бири умумий мулкни оила манфаатлари зиёнига ишлатган бўлса, оиланинг умумий мулкни бўлиш вақтида унинг улуши камайтирилиши мумкин. Бундай ҳоллар бир томоннинг алкоголь ичимликларга берилиши, гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш учун уларни сотиб олиши, турли ўйин, лоторея ва ўз хоббиларига ишлатилишида намоён бўлади. Муҳими шундаки, бу ҳолатлар оила мулкига зиён етказилади.

Юқоридаги ҳолатларда суд албатта, иккинчи томонга биринчи томонга (оила мулкига зиён етказган томонга) нисбатан кўпроқ мулкнинг тегишли бўлишлигини белгилаши лозим. Ҳозирги вақтда жамиятимизда кўплаб шундай ҳолатлар учрамоқда. Кўпчилиги албатта, эр томонидан содир этилмоқда. Эр ўзининг оиласи олдидаги

бурчларини унутиб, ўз маишати учун оиланинг мол-мулкини ишлатиб юборади, оиласининг аҳволи билан иши бўлмайди ва ўз оиласига зиён етказди.

Эр-хотин мол-мулкининг қонуний режими кўпчилик олим ва амалиётчиларнинг изланишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиздаги янги иқтисодий вазият бизнинг ҳаётимизни ўзгартириб юборди. Хусусий тадбиркорлик, ишлаб чиқариш имкониятлари кўплаб аёлларга эркакларга нисбатан кўпроқ даромад олиш имконини яратди. Мамлакатда етарлича мол-мулкка эга бўлган мулкдорлар пайдо бўлди.

Йирик ишни амалга ошириш фирма ташкил қилиш, савдо билан шуғулланиш, моддий жиҳатдан катта харажатларни талаб қилади. Кейинчалик шулар орқали олинган даромадлари, орттирилган мол-мулклари ана шу тадбиркор учун катта аҳамиятли бўлиб қолади. Эр-хотин мол-мулкининг бўлиниши мулкнинг ҳуқуқий режими асосида амалга оширилиши тадбиркорлик билан шуғулланган томонга жуда ҳам ёқиб тушмайди. Бу ерда фақат ярмини олишни истамаслик ҳолатлари юзага келади. Чунки тадбиркорлик билан шуғулланиб тер тўкиб топган мулкининг, бойлигининг ярмини бошқа томонга бериб юборишни ҳеч ким хоҳламайди. Оила кодекси бундай ҳолатларда эр-хотинларга ўзлари хоҳлаган ҳуқуқий режим яратиш имконини берувчи никоҳ шартномаси тузиш ҳуқуқини белгилаб қўйди.

Никоҳ шартномаси кўпгина муаммоларни ҳал қилиш имконини яратди ҳамда эр-хотинларнинг муносабатларини мустақил белгилаб олиш имконини яратди. Никоҳ шартномаси жамиятимиздаги ҳозирги ўзгаришларда, бозор иқтисодиётида жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Албатта, ҳозирги вақтда никоҳга кирувчиларнинг ҳаммаси ҳам оила қуришда, никоҳга киришишда ёки никоҳ даврида никоҳ шартномасини тузаётган эр-хотинлар озчиликни ташкил қилмоқда. Бунинг сабаби,

никоҳга киришувчиларни никоҳ шартномасининг хусусиятларини, уни қанчалик зарурлигини тушуниб етмаганлигидандир.

Никоҳ шартномасинини тузишдан мақсад эр ва хотин ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаган ҳолда низо келиб чиқмаслигини олдини олишдир. Шу билан бирга, мулкӣ муносабатларни тўғри тақсимлашда ҳар иккисининг келишуви билан тузилади.

Фикримизча, никоҳ шартномасини тузиш ижобий натижани беради. Чунки эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларга киришишида никоҳ даврида ҳамда никоҳдан ажралганда ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳеч қандай низосиз келишувга мувофиқ амалга оширадилар. Маълумки, суд тартибида никоҳдан эр-хотин ажралаётганда энг асосий низо мулкӣ мажбуриятлардан келиб чиқади, бу эса суд процесси иштирокчиларига, шу жумладан, судьяга ҳам бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Чунки эр-хотиннинг ҳар бирининг мулки мавжуд бўлади. Булар ҳам икки турга бўлинади:

- эр-хотиннинг ҳар бирининг хусусий мулки;
- уларнинг умумий мулки.

Эр-хотиннинг хусусий мулки эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулкдир. Унга қуйидагилар киради: эр (хотин) нинг никоҳга қадар фақат ўзига тегишли бўлган мулки (масалан, уй, уй жиҳозлари, омонотга қўйилган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар).

Эр-хотиннинг умумий мулки – эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни никоҳдаги ҳаёт даврида топилган мол-мулк ташкил қилади. Булардан ташқари эр ва хотин ўртасида қарзлар мавжуд бўлиши мумкинки, булар ҳам икки турга бўлиниб, умумий қарзлари ва шахсий қарзлари бўлиши мумкин. Шахсий қарзлар зарар етказиш натижасида, алимент мажбуриятидан, меҳнат ҳуқуқий

муносабатларидан келиб чиққан мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкин.

Шунингдек, шахсий қарзлар эр-хотиндан биттасининг никоҳ тузилгунга қадар мажбурияти юзасидан келиб чиқиб, ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун олган қарзларидир.

Умумий қарзлари уларнинг иккаласи иштирок этиб олган қарзларидир.

Ушбу юқорида келтирилган масалаларни тартибга солиш судларга бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Агарда, никоҳ шартномаси тузилса, бу муаммоларни тинч йўл билан, нисбатан осонлик билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бошқа ривожланган мамлакатларда никоҳ шартномасини тузиш кенг тарқалган. Бизнинг республикамизда эса рўйхатга олинган сонини ишимизда кўрсатиб ўтдик. Тўғри, бу ерда бизнинг андишалигимиз, ор-номусимиз ва бошқа бир неча хусусиятларга эгалигимиздир.

Лекин, биз шу билан бирга ҳар ҳил оқибатларни, низоларни олиш мақсадида тегишли чоралар кўриш керак деб ўйлаймиз.

Ана шундай кескин ўзгаришларга учраган қонун ҳужжатларидан бири – бу Оила кодексидир. Кескин ўзгаришларга учраши шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга қўшилмоқда. Яъники, айтиб ўтганимиздек, "ўзбек-француз", "ўзбек-россиялик" оилалар ташкил топмоқда. Бошқача айтганда, умумбашарий қадриятлар миллий қонунчиликда тобора акс этмоқда. Айни вақтда, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, биз Шарқданмиз, қолаверса, аҳоли этник таркибининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилуви фуқаролардир. Бу ҳолатлар вазиятга реал шароитдан, аниқроғи, маҳаллий кўз билан баҳо беришни тақозо этади.

Оила кодексига киритилган ана шундай янгиликлардан бири, никоҳ шартномаси масаласидир. Тўғри, иш давомида кўрдикки,

мусулмон оламида ҳам никоҳ шартномасига ўхшаш муносабатлар мавжуд экан. Аммо бу никоҳ шартномаси дегани эмас.

Дарҳақиқат, қонунимизга эр-хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби – никоҳ шартномаси масаласи янги ҳуқуқий институт сифатида кириб келди. Никоҳ шартномаси масаласига кодексда 5 та модда ажратилган. Аммо, бу тушунча мазмун-моҳияти билан анча кенг кўламини, кенг ижтимоий-маънавий жиҳатларни ташкил этади. Бизнинг мақсадимиз никоҳ шартномаси масаласини кенг оммага, унинг кишилар ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилаш, ижобий ва салбий жиҳатлари – оқибатлари ҳақида фикр юритишдан иборат эди. Шундай бўлди ҳам. Ва яқунда мазкур хулосаларга келиш ҳам мумкин бўлди.

Биринчидан, никоҳ шартномаси – бу никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёинки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, никоҳ шартномаси фақат мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга қаратилади.

Иккинчидан, никоҳ шартномаси ҳуқуқий характердаги шартномалардан биридир. У икки томонлама шартномалардан ҳисобланади. Яъни, шартномада қатнашувчи тарафларнинг ҳар иккисидан бир пайтнинг ўзида ҳам ҳуқуқлар, ҳам мажбуриятлар (бурчлар) вужудга келади. Бу билан шартнома тарафлари бир-бирлари олдида ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдор ҳисобланадилар.

Учинчидан, никоҳ шартномаси ҳуқуқий характердаги шартномалар туркумига мансуб бўлганлиги учун, унда тарафларда хўжалик шартномаларидаги каби муқобил ижролар мавжуд бўлмайди. Шу маънода, никоҳ шартномалари текинга тузиладиган шартномалар ҳисобланади.

Тўртинчидан, никоҳ шартномасининг шакли тарафларнинг битта ягона ҳужжатни (яъни, никоҳ шартномасини) имзолаб, у нотариал тартибда гувоҳлантирилгандан сўнг, юридик кучга эга бўлади. Мазкур шаклга риоя қилмаслик шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Бешинчидан, никоҳ шартномасини тузиш маҳаллий аҳолининг тафаккурида ўрнашиб қолганидек, бу қайсидир маънода "қачондир, никоҳни бекор қиламиз-у, ўша пайтда низолар, келишмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун, мол-мулкимиз ҳақида келишиб олсак", деганини билдирмай, балки тарафлар ўртасидаги нормал ҳуқуқий муносабатларни, яъни ўртадаги мол-мулк юзасидан муайян келишувларга (мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш) эришишни назарда тутувчи ҳуқуқий қурилма ҳисобланади.

Олтинчидан, қонунчиликнинг диққатга сазовор томони шундаки, никоҳ шартномаси фақат мулкий муносабатларга тартибга солишга қаратилган. Мабодо, айрим Фарб давлатларидагидек, шахсий-номулкий ҳуқуқлар ҳақида ҳам келишувга эришиб қолинса, бу ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган никоҳ шартномаси деб топилади. Бинобарин, ҳеч қандай юридик оқибатлар туғдирмайди.

Еттинчидан, никоҳ шартномасининг тузилиши шу кечакундуздаги турли баҳс-мунозараларга, узундан-узоқ суд мунозараларига сабаб бўлаётган нормал бўлмаган никоҳни тугатиш ҳолларидаги келишмовчиликларнинг олдини олган бўлур эди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., "Ўзбекистон", 2003 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., "Ўзбекистон", 1998 йил.
3. Каримов И.А. Маънавий тикланиш йўлида. Т., "Ўзбекистон", 1998 йил.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилади. Т., "Ўзбекистон", 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т, Расмий нашр, 2003 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т, "Адолат", 1994 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т, "Адолат", 1994 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги қонуни. Т, "Адолат", 1994 йил.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни. Т, Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 20-сон, 2000 йил.

15. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган. -Т.: Адолат. 1999.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998 йиллар. –Т.: Шарқ. 1999.
17. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат. 2000.
18. Ҳ.Раҳмонқулов. Мажбурият ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2005.
19. Ф.М.Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995.
20. Ф.М.Отахўжаев. Никоҳ шартномаси.//Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998. №1.
21. Х.Р.Раҳмонқулов. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар. -Т.: Ўзбекистон. 1991.
22. Т.В.Кочергина. Защита имущественных прав супругов нормами нового Семейного кодекса РУз. Коллект. Авт. Монография. Женщина. Права. Общество. ТГЮИ. Центр по изучению прав человека и гуманитарного права. –Т.: 1999.
23. Ҳ.Раҳмонқулов. Олди-сотди шартномаси. -Т.: Адолат. 2000.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. Никоҳ шартномаси тушунчаси ва мазуни	8
2. Никоҳ шартномасини тузиш тартиби ва шартлари	16

3. Никоҳ шартномаси: хорижда ва Ўзбекистонда	20
4. Никоҳ шартномасининг мулкӣ ҳуқуқӣ оқибатлари	34
5. Никоҳ шартномасининг шахсий ҳуқуқӣ оқибатлари.....	55
Хулоса	67
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	76